***Ўзбекистон Республикаси***
***Олий ва ўрта махсус таълим***
***вазирлиги***

*Термиз Давлат Университети*
*география кафедраси*

# ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ

***МАЪРУЗАЛАР МАТНИ***

*Термиз 2012*

«Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари фани география йўналишидаги бошқа фанларга нисбатан анча ёш фанлардан бири ҳисобланади. У илмий ва ўқув-услубий тавсияга эга бўлиб, моҳиятан янги предметдир. Унда Табиатдан фойдаланиш географик, назарий ва амалий масалалари атрофличи баён этилган. Фаннинг назарий жиҳатлари Ўзбекистон табиатдан фойдаланишнинг хозирги ҳолати ва уни бошқаришнинг амалий жиҳатларини таҳлил этиш ҳусусиятлари билан бойитилган.

Маърузалар матнида табиатдан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Маъруза матнлари география мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

**Муалифлар:** ўқит. А. Чориев
г.ф.н. доц. Қ. Алланов

**Масьл мухарир** ўқит. А. Сатторов

**Тақризчилар:** катта ўқит. М. Умарова
ўқит. О. Абдуллаев

200__ йил __-август куни Табииёт-география факултети илмий кенгашининг 1-сонли йиғилишида тасдиқланган.

**Факултет декани** **дотс. Б. Холиқназаров**

200__ йил __-август куни география кафедрасининг 1-сонли йиғилишида мухокама қилинган ва фойдаланишга тавсия етилган.

**Кафедра мудири:** **г.ф.н. Ҳ. Абдуназаров**

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси халки ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиётини эркинлаштириш йулидан бормокда. Бозор муносабатларининг ижтимоийлиги хусусияти эса инсонни шахсни хар жихатдан муносиб шароитларда яшашга хакли эканлигини билдиради. Яъни инсон факатгина иктисодий жихатдангина эмас, балки экологик жихатдан хам кулай шароитларда яшашга хаклидир.

Айникса, бу масала Узбекистон республикаси учун ута долзарб хисобланади. Чунки ''*Марказий Осиё минтакасида экологик фалокатнинг гоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очик айтиш мумкин*''. Шу нуктаи назардан караганда Узбекистон Республикасининг бозор муносабатларига утиш муаммоларини гапириш билан бирга, хозирги мураккаб вазиятда табиатдан окилона фойдаланишнинг иктисодий механизмларига ва табиатанни мухофаза килишга хам жиддий эътибор бериши лозим булади.

Масаланинг бундай куйилиши Узбекистон республикасининг ички ва узига хос миллий эхтиёжларини акс эттириб колмасдан, балки хужалик амалиётларида, халкаро андозаларга утиб бораётганлигимизнинг объектив заруриятларидан хам келиб чикади. Хозирги кунда экологик иктисодий муаммоларни урганиш хужалик юритувчи субъектларнинг барча турлари ва куринишларини самарали фаолият курсатишини таъминлабгина колмасдан инсонни ижобий шароитларда яшашини зарурлигини ва керак булса шартлигини хам аниклайди .

**Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари** –ёш илмий фанлар жумласига кириб ижтимоий –иктисодий жараёнларни бошкариш ,табиатдан фойдаланиш сохасидаги молиялаштириш ,режалаштириш ,хукукий-меъёрий таъминоти борасида илмий асосланган карорларни кабул килишнинг янги йуналишларини очади .

Табиатдан фойдаланишнинг геогафик асослари- иктисодиёти фани доирасидаги муаммоларни иккита гурухга булиш мумкин:

Биринчидан ,табиий ресурслардан самарали фойдаланиш иктисодиёти муаммолари ;

Иккинчидан ,атроф мухитни ифлосланганлиги ва ундан келадиган зарарни олдини олиш ва тугатишнинг самарали усулларини топиш ва асослаш муаммолари.

Мазкур муаммолар табиий –тарихий тавсифдаги конуниятлар асосида уз ечимини топиши зарур ,аммо жамият эхтиёжидаги узгаришларни ва замонавий иктисодий муаммолар заминида янги кадриятларни шаклланишини эътиборга олиши зарур .

Назарий жихатдан табиатдан фойдаланиш иктисодиёти баркарор экологик иктисодий ривожланишнинг илмий концепцияларини яратишга каратилган.Фаннинг амалий ахамияти эса инсон жамиятини хаёт фаолияти мухитини саклаш ва табиий ресурслардан окилона фойдаланиш буйича

-3-

илмий асосланган аник таклифларни ишлаб чикишда куринади.

Мазкур маъруза матнларида табиатдан фойдаланиш иктисодиёти буйича изланиш олиб борилган.

Мазкур курснинг асосий вазифалари куйидагиларда намоён булади:

*Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари- табиий-илмий ва иктисодий асосларини тахлил этиш:

*Табиятдан фойдаланиш иктисодиётининг хорижий тажрибаларни урганиш;

*Узбекистонинг табиий-ресурс салохиятига иктисо-дий бахо бериш;

* Амалдаги табиатдан фойдаланишнинг иктисодий механизимлари асосий элементларини мазмунини ёритиш;

*Табиятдан фойдаланишнинг хукукий асосларини тавсифлаш ;

* Узбекистонда табиатдан фойдаланиш ва атрофни муховаза килишни бошкариш тизими муоммоларини аниклаш ва истикболларини белгилаш ;

*Табиатдан фойдаланиш сохасидаги халкаро хамкорликнинг асосий йуналишлари тугрисидаги маълумотларни умумлаштириш .

**Асосий таянч тушунчалари**

**Экология-**жонли организмларнинг узаро муносабатларини ва уларнинг атроф мухит билан узаро таъсирини урганадиган фан.

**Экологик муаммолар-** жонли организмларнинг узаро муносабатлари ва уларнинг атроф мухит билан таъсири натижасида юзага келадиган муаммолар.

**Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари-**табиатдан модда алмашинувининг баркарор, тадрижий мувозанатини таъминлаш шароитида табиатга зарарли таъсирининг олдини олиш ва камайтиришнинг йуллари ва усулларини урганадиган мустакил фан.

**Табиатни мухофаза килиш-**хозирги ва келгуси авлодларнинг эхтиёжларини хисобга олган холда табиий бойликлардан окилона фойдаланиш ва атроф мухитни мусаффо холда саклашга каратилган, илмий асосда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

## 1-Маъруза :ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ МЕТОДИ ОЪЕКТИ ВА МОХИЯТИ.

Режа.

1.Асосий тушунчаларни аниклаш.
2.Жамият ва табиатни узаро алокадорлиги муаммолари.
3.Курсининг предмети ва тадкикот усуллари.
4. Табиатдан фойдаланиш иктисодиёти курсининг объекти.

**I.**Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари курсини урганиш ва уни талабалар онгига етказиш учун унда учрайдиган асосий тушунчаларнинг мазмуни ва мохиятини аниклаш, хамда уни хозирги кундаги хусусиятини билиш мухим ахамият касб этади. Куйида ана шу тушунчаларини келтирамиз.

**Табиат-**кенг маънода бутун борлик тор маънода табиат- кишилик

**-4-**

жамияти мавжудлигининг табиий шароитлари мажмуасидир. Табиат табиий мухит тушунчалари бир-бирига якин булиб инсон хужалик фаолияти натижасида кисман узгарган ва унга таъсир курсатувчи абиотик ва биотик табиий узини тартиблаш ва узини куллаб-кувватлаш хусусияти эга булади. Табиий мухитда куйидагилар ажратилади;***Мустакилтабиий мухит** (ёввойи табиат), инсон билан бевосита муносабатда булмаган ва мустакил мавжуд табиий мухит; *Квазитабиий мухит (иккинчи табиат), инсон томонидан узгартирилган (маданий) табиий ландшафтлар, табиий мухитнинг бу кисми уз-узини бошкариш ва ривожлантириш хусусиятига эга эмас.

***Артетабиий мухит (**учинчи табиат) инсонни ураб турган сунъий мухит булиб у техник (бинолар, иншоотлар ва бошкалар) ва табиий компонентлар (хаво, табиий ёруглик ва бошкалар)дан ташкил топган. Табиий мухитнинг бу кисми сунъий равишда куллаб-кувватланмаса халокатга махкум булади.

Инсоният жамияти фаолиятига географик мухит тушунчаси хам узвий боглик булади.

Географик мухит- бу ернинг географик кобиги мухити булиб турт асосий сферадан; литосфера(ер кобиги), гидросфера(сув кобиги), атмосфера(хаво кобиги), биосфера(хаёт кобиги)дан иборат.

Инсониятнинг яшаш мухити тушунчаси табиатдан фойдаланиш иктисодининг ижтимоий-иктисодий масалаларини тахлил этишда хаётни абиотик ва биотик омиллари мажмуаси сифатида курилади.

Атроф мухит тушунчаси эса юкоридаги тушунчалардан анча кенг маънога эга чунки у инсонни биологик организм сифатида караш билан чегараланмайди.Унинг мазмуни табиий экотизмларни, табиий компонентларни (хаво, сув, тупрок, хайвонот дунёси, усимлик

дунёси)ни, худудларни , ландшафтларни табиий тарихий маданий ёдгорликларни ва бошка инсон соглиги хаёт фаолиятива сифатига таъсир этувчиларни уз ичига олади.

Табиатдан фойдаланиш тушунчаси табиат ва инсон муносабатлари жараёнларни барча мажмуаларини уз ичига олади.

Табиатдан фойдаланиш тор маънодаги ахамияти табиий ресурс салохиятидан фойдаланиш барча шакллари ва уни саклаш тадбирларнинг мажмуаси сифатида тушунилади.

Бу борада табиатдан фойдаланиш уз ичига куйидагиларни олади ;

- Табиий ресурсларни казиб олиш ва кайта ишлаш, уларни ишлаш ва такрор ишлаб чикариш;
- Хаёт мухити табиий шароитлардан фойдаланиш ва мухофаза килиш;
- Табиий тизимлар экологик мувозанатни саклаш ва у оркали инсон жамиятини табиий ресурс салохиятини саклаш.

Тор маънода табиатдан фойдаланиш билим сохаси сифатида табиатни мухофаза килиш тушунчасининг элементларини узида мужассам этади ва
куйидагича тушунилади;

**-5-**

1. Инсон фаолияти ва атроф мухит окилона муносабатларни йулга куйишга йуналтирилган табиий ресурс салохиятини саклаш ва тиклашни таъминловчи табиий ресурсдан окилона фойдаланиш инсон саломатлиги ва табиатга хужалик фаолиятининг зарарли натижаларини олдини олувчи тадбирлар мажмуидир.
2. Мажмуали тармоклараро фан булиб табииий мухит ва табиий ресурсларни тиклаш ва яхшилаш усуллари тамойилларини ишлаб чикади.

   Табиатдан фойдаланиш уни узгартириш ва мухофаза килиш узаро чамбарчас богланган жараёнлар хисобланади.

   Табиатни мухофаза килиш антропоген модда ва энергия алмашинуви конунятлари бу жараённинг табиат ва жамият узаро алокадорлигига таъсири хусусиятлари, инсоннинг келажак ривожланиши максадларида ушбу жараённи бошкариш йулларини ишлаб чикадиган фандир.

Табиатни мухофаза килиш вазифаларига куйидагилар киради;

1.Табиий ресурслардан окилона фойдаланиш ;

2.Чикиндисиз ишлаб чикаришларни жорий килиш;

3.Атроф мухитни ифлосланишдан саклаш;

4.Салбий узгаришларни башорат килиш;

5.Табиий компонентлардан минемал ифлосланганлик шароитида фойдаланиш;
6.Табиий ва маданий ахамиятга молик ноёб объектларни саклаш;

Шундай килиб, табиатни мухофаза килиш узида табиатдан фойдаланиш тадкик этмайдиган объектларни хам мужассамлайди, маълум хужалик ахамиятга эга булмаган объектларни саклайди.

Анъанага кура табиатни мухофаза килиш чекловчи-такикловчи тадбирлар шаклида амалга оширилади .

Илмий адабиётларда атроф мухитни мухофаза килиш тушунчасига мазмунан якин булган Энвайроменталогия тушунчаси кулланилади. **Энвайроменталогия** –атроф мухит тугрисидаги мажмуали фан булиб асосан табиий мухит унинг сифати ва мухофазаси хакида фикр юритади.

**II**.''**Жамият-табиат''**тизимидаги узаро алокадорлик тугрисидаги замонавий тушунчалар энвайроментализм (60-70 йиллар) гоялари тахлилига асосланади,энвайроментализм асосий гоялари орасида икки кутбий гоя: инсонни табиатга таъсирини минемаллаштириш, уни ''соф холда'' саклаш ва унга карама –карши чекланиаган ривожланиш, яъни инсонни мавжуд муаммоларни, шу жумладан экологик тавсифдаги муаамоларни техник равишда хал килиш гоялари ажратилади.

Бу ёндошувлар шартли равишда ''эхоцентризм'' ва ''техноцентризм'' деб номланади. Эхоцентристлар учун жамиятни ривожлантириш максадлари табиатни конвервациялаш сифатида намоён булади. Техноцентризм эса инсон онгиниг кудратига ишониш негизида илмий рационализм асосида шаклланади. Бу гоя тарафдорлари ресурсларнинг мустакил таксимлашни ,

**-6-**

сиёсатдонларни ва жамоатчиликни бу ишга аралаштирмасликка интиладилар. Барча техноцентристик ёндошувлар жамият ва табиатнинг мустакиллиги гояларига асосланади. Бундай '' чекланмаган ривожланиш'', хар кандай йуллар билан иктисодий усиш гоялари технократик оптимизмга асосланади.Бундай карама-карши ёндашувлар шак шубхасиз экстремализмни якинлаштиради.

Булардан ташкари жуда куп оралик йондашувлар мавжуд.
Энвайроменталистларнинг бу гурухининг асосий гоялари ва концепциялари экологик муаммоларни ечишга каратилган турли-туман маъмурий хукукий ва иктисодий тадбирлар техник ва технологик янгиликларда уз аксини топади.

Энвайроменталистларнинг ''оралик гурухи'' мавкеининг кучайиши постиндустртал жамиятнинг технократик доктриналарини ''технотрон

эра'', ''мул-кулчилик цивилизацияси'' ва 60-йиллардаги ''нулли усиш'', ''чекланган ривожланиш'' концепциялари узгаришини таъминлайди.

Замонавий алармистик йуналиш доирасида эса экологик таназзулнинг ижтимоий асосларини хис этиш ва ''экологик маданиятни'' яратишга уриниш кузатилади. Замонавий алармистларнинг фикрига кура атроф мухит муаамоларини тушуниш экологик тарихни билишга асосланиши лозим булади. Тарихий вазиятларни билиш эса оптимал вариантларни куллаш имконини беради.

Бундан ташкари замонавий фан инсонни экотизмга интеграциялашувининг янги шаклларини шу жумладан психологик шаклларини топиш вазифаларини уз олдига максад килиб куяди. Бу ёндошув эски экологиядан янги '' гуманистик экологияга'' утишни билдиради.

Замонавий техноцентристлар 90-йилларнинг охирларида инсоният тарихида ген инженеряси ютуклари билан боглик инкилобнинг юз берганлигини эълон килдилар. Бу биологик ранг –барангликни саклаш муаамоларини хал булганлиги тугрисидаги тушунчаларни асоси булди. Лекин масаланинг бошка жихати булиб, экологик олимлар фикрига кура инсоният жамияти учун катта хавф тугдиради ва келажакда инсонларнинг биринчи ва иккинчи сортга чукур дифференцациялашувини таъкидлашади.

Шундай килиб, таъкидлаш жоизки юкоридаги ёндошувларнинг гоявий зиддиятларига карамасдан илмий жамоа ва халкаро хамжамият инсон ва табиатнинг узаро богликлигини таъкидлашади.

Бу борада инсон ва табиат тизими муносабатлари икки зиддиятли тенденцияга асосланади.

Бир томондан , инсоният ''иккинчи табиатни'' яратиш борасида табиатнинг стихияли кучларига богликлигини камайтиради. Иккинчи томондан , инсон фаолияти сохасига имкони борича купрок табиий бойлик ва ходисалар жалб этилади.

Пировар натижада кишилик жамияти табиат дунёси билан узвий куп киррали алокаларга тортилади. Бу тенденция инсоннинг табиатга богликлигини усишини курсатади. Лекин шуни таъкидлаш керакки инсон ураб турган табиий мухит унинг фаолияти йуналишини шакли ва куламига



боглик.

III. Табиатдан окилона фойдаланиш тушунчаси кенг маънода, '' Табиатдан фойдаланиш иктисодиёти'' тушунчасини келтириб чикарди . Бу тушунча узида табиий ресурсларнинг чекланганлигини , ишлаб

чикаришнинг кенгайиши ва ер кобикларининг ифлосланиши билан боглик ижтимоий хаётдаги жараён ва ходисаларни мужассам этади. ''Табиатдан фойдаланиш иктисодиёти'' тушунчаси узига мос равишда шу номдаги иктисодий фаннинг келиб чикишига сабаб булди .

Табиатдан фойдалани иктисодиёти – табиатдаги модда алмашинувининг баркарор , тадрижий мувозанатини таъминлаш шароитида табиатга зарарли таъсирнинг олддини олиш ва камайтиришнинг йуллари ва усулларини урганадиган мустакил фан тармоги хисобланади. Мазкур фан табиатдан окилона фойдаланишнинг умумий тамойилларини экологик- иктисодий тизимларини молиялаштириш шароитларини тадкик этади.

Булгуси иктисодчиларнинг экологик-иктисодий билимлари табиатдан фойдаланиш иктисодиётини – иктисодий билимлар тизимидаги ягона фанни урганиш оркали шаклланади. Кейинги пайтларда бозор муносабатларига утиш муносабати билан табиатдан окилона фойдаланишни урганиш долзарб ахамият касб эта бошлади. Чунки иктисодий ислохотларнинг бориши ва уни самарали амалга ошириш йуллари экологик омиллар ва шароитларни бевосита боглик булади.

Тадкикот усуллари. Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари фани бошка иктисодий фанлар билан узвий алокадорликда ривожланмокда. Бу фанлар сирасига: иктисодий билим асослари, иктисодий тарих, тармок иктисодиёти, статистика, мехнат иктисоди ва социологияси , минтакавий бошкарув, иктисодий ва табиий географияларни киритиш мумкин.

Табиатдан фойдаланиш иктисодиёти бу фанларнинг илмий усуллари ва хулосаларидан фойдаланиш билан биргаликда уларни узини ютуклари билан бойитиб боради. Табиатдан фойдаланиш иктисодиёти курсида илмий усуллар мажмуасидан фойдаланилади, уларга: баланс, картографик, тизимли тахлил математик моделлаштириш, статистика ва таккослаш мисол булади. Бу усуллардан ташкари танлов асосида урганиш, генерализация усулларидан хам фойдаланилади. Хамма усуллар бир-бирларидан ажралмаган холда, узаро уйгунликда кулланилади.

**IV**.Хар кандай фанда булгани каби табиатдан фойдаланиш иктисодиёти фани хам уз тадкикотларида кашф этилган табиат ва жамият конунларининг назарий ва амалий натижаларига асосланади. Бу конунлар узгармас, мутлок ахамиятга ва тугал тавсифга эга эмас, балки доимо ривожланишда булади, вокеликни аник акс эттириш имкониятига эга.

Ишлаб чикаришни ва инсонни ураб турган табиий мухит узгарувчан булиб, табиатдан фойдаланиш иктисодиёти ана шундай шароитда табиий

ресурс ва атроф мухитни мухофаза килишнинг макбул шароитларини топишни узида акс эттиради.

Шундай килиб **Табиатдан фойдаланиш географияси** фанининг тадкикот

**-8-**

объекти- инсон ва унинг яшаш мухити, доимий узгарувчан табиий шароитлар, атроф-табиий мухитдан жамият манфаатлари йулида фойдаланиш даражасидир.

**Асосий таянч тушунчалар.**

**Табиат-**бутун борлик, кишилик жамияти мавужудлигининг табиий шароитлари мажмуаси.

**Мустакил табиий мухит** –инсон билан бевосита муносабатда булмаган, ёввойи табиий мухит:

**Квазитабиий мухит-**инсон томонидан узгартирилган (маданий ) табиий ландшафтлар.

**Арте табиий мухит** –Инсонни ураб турган сунъий мухит.

**Географик мухит -** ернинг геогарфик кобиги мухити**:**литосфера , гидросфера ,атмосфера ,биосферадан иборат.

**Табиатдан фойдаланиш-**табиат ва инсон муносабатлари жараёнлари мажмуаларидир.

**Энвайроменталогия-**атроф мухит тугрисидаги мажмуали фан

**Эхоцентристлар-**жамиятни ривожлантириш максадлари табиатни концервациялаш сифатида намоён булишини кулловчиоким тарафдорлари.

**Техноцентризм-**иносн онгини кудратига ишониш,илмий рационализм негизи асосида шаклланадиган таълимот

**Алармитик йуналиш** – экологик таназзулнинг ижтимоий асосларини хис этиш ва экологик маданиятни яратишга уриниш.

**Табиатдан фойдаланишнинг географик асослари** –фани объекти инсон ва унинг яшаш мухити ,доимий узгарувчан табиий шароитлари ,атроф-табиий мухитдан жамият манфаатлари йулида фойдаланиш даражасидир.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар**

1. Табиатни мухофаза килиш деганда нимани тушунасиз?
2. Табиат,табиий мухит,атроф мухит,географик мухит тушунчаларининг фарки ниамда?
3. Табиадан фойдаланиш ва унинг экологик окибатларини тахлил этиб беринг.

2- маъруза: **ТАКРОР ИШЛАБ ЧИКАРИШДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ УРНИ ВА АХАМИЯТИ.ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРГА ИКТИСОДИЙ БАХО БЕРИШ.**

РЕЖА.

1.Табиий ресурсларнинг асосий турлари ва уларнинг классификацияси .
2.Табиий ресурсларга иктисодий бахо беришнинг назарий асослари .
3.Узбекистон республикаси табиий ресурсларига иктисодий бахо бериш.

**I.Табиий ресурслар-**табиат элементлари булиб,ижтимоий ишлаб чикаришнинг хозирги ривожланиш даражасида жамият эхтиёжларини кондиришда фойдаланилаётган (ёки фойдаланиши мумкин булган) табиий шароитлар мажмуасининг бир кисми , табиий мухитнинг мухим компонентлари хисобланади.

Табиий ресурслар табиатдан фойдаланишнинг бош объекти хисобланади ва улардан фойдаланишга ва кайта ишлаш жараёнларига жалб этилади. Табиий ресурслардан фойдаланиш билан бирт каторда уларни мухофаза килиш ва саклашга (табиатни мухофаза килиш муаммоларининг хал этилиши) йуналтирилган фаолият ёнма-ён руй беради.

Табиий ресурсларни пайдо булишининг табиий жараён эканлигини ва улкан иктисодий ахамиятини хисобга олиб,куйидгича классификация ишлаб чикилган :

**1.Табиий (генетик) классификация** –табиий ресурсларнинг табиий гурухларга кура классификацияси :минерал ( фойдали казилмалар),сув ,ер (шу жумладан тупрок),усимлик (шу жумладан урмон),хайвонот дунёси,иклим ресурслари , табиий жараёнлар энергияси ресурслари ( куёшнинг нур сочиши ва иссиклиги ,ернинг ички энергияси ,шамол энергияси ва бошкалар). Усимлик ва хайвонот дунёсини биологик ресурслар хам деб юритилади.

**2.Табиий ресурсларнинг экологик классификацияси**-уларнинг тугаши ва тугамаслигига карабкуйидаги турларга булинади.

*Тугамайдиган табиий ресурслар* –хозир ва якин келажакда инсон томонидан узлаштириш натижасида тугамайдиган ресурслар (куёш энергияси ,ернинг ички энергияси ,сув ва хаво энергияси )

*Тугайдиган тикланмайдиган табиий ресурслар*-узлуксиз ишлатилиши натижасида захиралари иктисодий максадларга куллаб булмайдиган ва кейин тикланмай коладиган ресурслардир. Минерал ресурслар ана шундай ресурслар жумласига киради.

*Тугайдиган тикланадиган табиий ресурслар-* тикланиш хусусиятига эга булган ресурслардир. Масалан, сув, усимлик ва хайвонот ресурслари шулар жумласига киради. Бу гурухга ута секинлик билан тикланадиган ресурслар (ернинг хосилдорлиги ва унумдорлиги, юкори сифатли ёгоч берувчи урмон ресурслари) хам киради.

Табиий ресурслар хужаликда фойдаланиш имкониятларига караб куйидаги гурухларга булинади:

-10-

3.**Фойдаланишнинг техник имкониятларига караб табиий ресурслар:**

**Реал-**ишлаб чикариш кучларининг хозирги ривожланиш даражасида фойдаланилаётган табиий ресурслар.

**Потенциал-**илмий тадкикот ва кузатиш ишлари асосида аникланган , жамиятнинг техник ривожланиш даражаси хозирги кунда улардан фойдаланиш имкониятини берадиган ва шу билан бирга вактинча улардан фойдаланиш имконини бермайдиган ресурслар хам киради.

Ресурсларнинг алмаштириши иктисодий жихатдан максадга мувоклигига кура мукобили мавжуд ва мукобили мавжуд эмас турларга булинади.

**Мукобили мавжуд** табиий ресурсларга ёкилги- энергетика ресурсларининг бошка турлари билан алмаштирлиши мумкин.

**Мукобил мавжуд** табиий ресурсларга ёкилги- энергетика ресурслари киради .У ёкилги ресурсларининг бошка турлари билан алмаштириш мумкин.

**Мукобили йук** табиий ресурсларга атмосфера хавоси чучук сувлар киради

Табиий ресурслардан самарали фойдаланишда уларнинг ана шу хусусиятларига эътибор бериш лозим.

Табиий ресурсларга иктисодий бахо беришда ва уларнинг иктисодий ахамиятини бахолашда ,улардан хужаликда фойдаланиш тури ва йуналишига караб классификасиялаштирилади .Бу классификасиялашнинг мезони сифатида **ресурсларнинг моддий ишлаб чикариш ва номоддий сохаларга яъни товар ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш сохалар**га мансублигига караб булинади.

Бу белгига кура табиий ресурслар саноат ва кишлок хужалиги ишлаб чикариши ресурсларига булинади .

**Саноат ишлаб чикариши ресурсларига** саноатда фойдаланиладиган барча табиий ресурслар киради.Лекин шу ерда таъкидлаб утиш керакки

,саноат ишлаб чикаришнинг жуда куп тармокли эканлиги сабабли табиий ресурслар куп турларга булинади .

1. **Энергетик** табиий ресурсларга энергия ишлаб чикаришда ишлатиладиган табиий хом- ашёнинг бача турларини киритиш мумкин Буларга :

-Ёнувчи табиий казилмалар (нефть,газ,кумир ва бошкалар );

-Гидроэнергия ресурслари (дарё суви энергияси ва бошкалар );

-Биоэнергия манбаалари (ёгоч,кишлок хужалигида олинадиган биогаз ва
бошкалар );

-Ядро энергияси манбалари (уран ва бошка радиактив элементлар)

2 **Ноэнергетик ресурслар** саноатнинг турли тармокларига хом-ашё берувчи ва ишлаб чикаришнинг техник хусусиятларига караб унда иштирок этувчи ресурслар :

-Рудали ва руда булмаган табиий ресурслар (каустобиолитлар гурухи)

-Саноат ишлаб чикаришида кулланиладиган сув ресурслари;

-11-

-Саноат объектлари ва инфрастуруктуралар тагидаги ерлар ;

-Саноат ахамиятига эга урмон ресурслари ;

-Саноат ахамиятига эга биологик ресурслар ;

Кишлок хужалиги ишлаб чикариш ресурсларига кишлок хужалик махсулотларини ишлаб чикаришда иштирок этадиган табиий ресурслар киради.Булар куйидагилар :

*Агроиклим ресурслари-маданий усимликларнинг ривожланиши ва чорвани озука билан таъминлашда зарур буладиган иссиклик ва намлик ресурслари .

*Тупрок- ер ресурслари-биомасса ишлаб чикариш хусусиятига эга ер ва тупрокнинг устки катлами.

*Усимлик биологик ресурслари-озука ресурслари ;

*Сув ресурслари –сугоришда ишлатиладиган сув.

**Номоддий (хизмат курсатиш )сохаси ресурсларига** (бевосита ва билвосита ноишлаб чикариш эхтиёжлари учун зарур )табиий мухитдан олинадиган ресурслар ва шу билан бирга рекреацион (дам олиш,истирохат ) хужалик,курикхона худудлари ва бошкалар киради.

Табиий ресурсларни табиий ва иктисодий жихатдан классификациялаш улардан турли максадларда фойдаланиш ёки уларнинг мукобилларини топиш имконини беради .Табиатдан

окилона фойдаланиш ва уланинг айрим турларини саклаш йулларини курсатади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш турларининг узаро алокадорлигига караб табиий ресурслар куйидагича классификацияланади:

*Бир максад йулида ишлатиладиган табиий ресурслар ;

-Куп максадли табиий ресурслар .Буларга:сув ва ер ресурслари киради .Табиий ресурсларнинг бошка гурухларини хам ажратиб курсатиш мумкин .Бунга хужваликдаги ахамияти ва захираларининг катта кичиклигига караб табиий ресурсларнинг куйидаги шартли гурухлари киради:.

*Ута йирик (давлат ахамиятига эга);

*Йирик(туманлараро ва минтикавий ахамиятга эга );

*Унча катта булмаган (махаллий ахамиятга эга )

Юкоридагилар билан биргаликда табиий ресурсларнинг табиий хусусиятларини ва хужаликдаги ахамиятини хисобга олган хусусий классификациялари хам ишлаб чикилган.Уларга мисол сифатида мелиоратив классификацияни ,дарёларнинг окимини тартиблаш даражасига кура гурухлари ва бошка классификацияларни келтириш мумкин.

Саноатда фойдаланиш йуналишларини узида акс эттирувчи геологик-иктисодий классификация хам кенг кулланилади.

Булар :

*Ёкилги-энергетика хом-ашёси (нефть,газ,кумир,уран вабошкалар);

*Кора,легирловчи ва кийин эрийдиган металлар (темир рудалари ,марганец,хром,кобальт,вольфрам ва бошкалар )

-12-

*Ноёб металлар (олтин,кумуш ва платиноидлар)

*Химиявий ва агрономик хом- ашё (калий тузлари,фосфоритлар,аппатитлар ва бошкалар )

*Техник хом-ашё (олмос,асбест,графит ва бошкалар ).

Бозор муносабатларига утиш шароитида табиий хом – ашёлар билан савдо килиш характерини тавсифловчи классификациялардан хам фойдаланилади.Булар орасида куйидагиларни ажратиб курсатиш мумкин: Стратегик ахамиятга эга булган ресурслар .Булар билан савдо алокаларининг йулга куйилиши мамлакатнинг мудофаа кудратини сусайишига олиб келади.(уран рудалари ва бошка **радиактив рудалар);**

- Экспорт ахамиятига эга ва валюта тушумларини таъминлайдиган ресурслар (нефть,олмос,олтин ва бошкалар)
- Ички бозор ресурслари .Улар кенг таркалганлиги билан тавсифланади.(Минерал курилиш хом ашёлари )

Юкоридагилардан куриниб турибдики,табиий ресурсларни классификациялашдан фойдаланиш уларнинг турли гурухлари , генетик тавсифи,хужаликда фойдаланиш имкониятлари ,урганилганлик даражаси ва улардан окилона фойдаланиш ва саклаш йулларини топиш имконини беради. Масалан , ишлаб чикариш жараёнига тикланмайдиган ресурсларни жалб этишда улардин окилона фойдаланиш ,тулик ва мажмуали кайта ишлашга эътиборни каратиш керак булади. Тикланадиган ресурслардан фойдаланишда эса ифлосланишнинг турли йулларини олдини олишга ва хар томонлама кайта тиклашга эътиборни кучайтириш керак булади.

II.иктисодиёт назарияси ва амалиётида бахолаш термини фалсафий категория булган «киймат»тушунчаси билан бир каторга куйилади .Киймат объект ахамиятининг кай даражада эканлигини акс эттиради, бу инсон эхтиёжларини кай даражада кондириши ва объектнинг шахсий хусусиятлари

билан белгиланади.Яъни табиий ресурсларни бахолаш умумфалсафий ёндашувлардан келиб чикиб,ресурсларга хос хусусиятларни инсонлар илгари сурган киймат мезонлари билан таккослашни назарда тутади.Инсон эхтиёжларини турларга караб киймат моддий ,ижтимоий –сиёсий ,эстетик ва бошка турда булиши мумкин

**Шу муносабат билан куйидагшилар ажратилиб курсатилади:**

-**Иктисодий бахолаш** –иктисодий курсаткичларда ифодаланган ишлаб чикариш ва истемол оркали ижтимоий эхтиёжларни кондиришга хизмат киладигантабиий ресурсларни фойдалилигини аниклаш;

-**Ноиктисодий бахолаш-**табиий ресурсларнинг иктисодий курсаткичларида ифодаланмаган экологик ,эстетик ,маданий ва бошка кийматини аниклаш.Ноиктисодий бахолаш орасида технологик бахолашни курсатиш мумкин.Чунки,у бир турдаги иктисодий ресурслар ичидаги табиий фаркларни ажратишни аниклашга мулжалланади.

Бахолаш вариантлари унинг турли курсаткичларида фойдаланишни талаб этади.Булар куйидагиларда куринади:

-Натурал(тонна,куб метр ,гектар ва бошкалар)

-Балларда ( бу курсаткич оркали ресурс манбаларини нисбий хажмини ва уларнинг хужаликдаги ахамиятини бахолаш мумкин.булади)
-Бахоли (пул куринишидаги бахолаш ресурсларнинг бозор нархинин аниклашда ,табиий ресурслардан фойдаланганлик учун туловлар тулашда ва иктисодий зарарни аниклашда фойдаланиш мумкин булади.)
Юкоридагилардан куриниб турибдики,иктисодчилар учун иктисодий махънода иктисодий бахолаш – турли вариантларда фойдаланган ёки фойдаланиш мумкин булган табиий ресурсларнинг хужалик самарасини пул курнишдаги ифодасини аниклашдир.Унинг узига хос хусусияти объектни ва уни бахолаш мезонларини танлашда куринади.

Бахолаш объекти сифатида алохида турдаги ресурсларнинг манбаалари (фойддали казилмаларининг конлар ,урмонлари ,сув манбалари ,ер участкалари ва бошкалар) чикиши мумкин. Бундай шароитда бахолаш тармок тавсифига эга булади.Тармок тавсифидаги бахолашдан ташкари минтакавий бахолашнинг хам ахамияти каттадир.Бу бахолаш у ёки бу худуднинг барча ресурсларини мажмуасини –табиий ресурсларнинг худудий уйгунлигини (ТРХУ) бахолайди.

ТРХУ турли ресурсларининг муайян худудларда жойлашган истикболда мажмуали узлаштириш ва фойдаланиш максадидаги манбалари сифатида аникланди.ТРХУ нинг ялпи хажми худудлар нинг табиий –ресурс имкониятларини тавсифлайди.

Бахолаш мезонларини назарда тутган холда иктисодий бахолашга икки хил ёндашув ажратиб курсатиб мумкин.

1.**Харажатли** ёндашув – ресурслар манбаларининг киммати улардан фойдаланишга кетган ялпи харажатларнинг микдори билан улчанишига куринади;

2.**Рентали** ёндашув - муайян турдаги ресурс манбаларидан фойдаланишда ундан ёмонрок ресурсга нисбатан олинган кушимча иктисодий самарани аниклашга асосланади.

Бу ёндашувларнинг мохиятини батафсилрок тахлил этамиз.Табиий ресурсларнинг иктисодий киймати куйидаги харажатли ёндашувлар оркали аникланади.

1.*Бевосита харажатларга караб бахолаш усули* – ресурс манбаларни узлаштириш ва ундван фойдаланишга кетадиган харажатларни рагбатлантириш .

2.*Сарфларга караб бахолаш усули* –бунда ресурслар манбаларини узлаштиришдаги молиявий харажатларни узи хисобга олиниб колмасдан , балки, ундан фойдаланиш борасида юзага келадиган

зарар хам эътиборга олинади.Мазкур ёндашувнинг асосий хусусияти куйидагилар:

- *Йукотилган самара тамойилига кура* бахолаш – бунда бир табиий ребсурс манбасидан иккинсчисининг фойдаси учун воз

-14-

- кечиш.Шундай килиб кишлок хужалиги ишлаб чикаришдан бой берилган имконият ушбу ер участкасининг кийматин ифодаламайди.Бу усул **мукобил бахолаш** тушунчаси билан боглик .
- *Уринбосарлар нархига кура бахолаш* уз ахамиятига кура олдингиидан колишмайдиган бир ресурсга нисбатан жамият сарфланган воситалар билан аникланади. Бундай шароитда ресурслардан фойдаланиш учун геолигк кидирувга ,худудни ободонлаштиришга кушимча харажатлар хисобга олинади.

**3.Кайта тиклаш нархини бахолаш** усули бунда йукотилган ва салбий томонга узгарган ресурсларни такрор ишлаб чикаришга кетган харажатларни аниклашга асосланган (масалан ,биологик тур )

4.«Туловни хохлаш» усули шундай усулки ,у ахолига анкета саволлари бериш оркали аникланади ва уларнинг муайян турдаги табиий ресурслар (йуколиб кетаётган усимлик ва хайвон турларининг булиши шартлиги аникланади .Мазкур усул бозор муносабатларии етарли ривожланмаган шароитларда фаолият курсатади,чунки экалогик кадр –кимматига эга биоресурслар (масалан ,дарёни ва унинг рекреацион имкониятларини,тоза суви )ни саклаб колиш учун уша жойдаги ахолидан туловларни тулаш хохишининг бор –йуклиги суров оркали аникланади

5.Транспортхаражатлари усули ресурс объектига етиш учун керак буладиган доимийва вактинчалик харажатлари асосида ресурс манбаасининг иктисодий ахамияти аникланади.

Рентали ёндашув-бу ёндашув табиий ресурсаларни бахолашда
диференциал рента концепциясининг мавжудлигига асосланади .Ресурс манбаалари узларининг микдор ва сифат курсаткичларига караб ,харажат бирлигига нисбатан бир хил фойда ,дифференциал рента келтирмайди .Шу сабабли жамият бу ресурсларни узлаштириш учун зарур микдорда харажат килади.Харажатларнинг бу меъёрдан ортиши эса максадга мувофик ва самарали булмайди.

III Узбекистон худудидан жуда катта микдорда минерал хом ресурслари казиб олинади Республиканинг табиий шароитлари хам узига хос ва

бетакрор дир.Бундай ижобий жихатлар иктисодиётни эркинлаштириш шароитида катта имкониятларнинг мавжуд эканлигидан дарак беради .Юкоридагиларни хисобга олиб мамлакатнинг табиий ресурсларига ,сунгра унинг табиий шароитларига иктисодий бахо берилади .

Собик маъмурий –буйрукбозлик иктисодиёти шароитида фойдали казилма кнларини аниклаш ва ундан самарали фойдаланиш масалаларига етарли даражада эътибор берилмас эди.Республикамиз бир томонлама пахта хом-ашёси етиштиришга ихтисослашган эди .Бошка тармоклар эса эътибордан четда колдирилган эди.Лекин Республика мустакилликка эришгандан сунг *«Узбекистон халки жонажон улкадаги бекиёс бойликнинг абадул-абад эгаси булиб колди»*

Узбекистонда *«Хозирга кадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали казилма конлари ва маъдан намоён булган истикболли жойлар аникланган .Булар*

-15-

*юзга якин минерал хом-ашё турларини уз ичига олади ,шундан 60 дан ортиги ишлаб чикаришга жалб этилган 900 дан ортик кон кидириб топилган (хозир кидириб топилган захиралар негизида 400 га якин кон ,шахта ,карьер ,нефт –газ конлари фаолият курсатмокда),уларнинг тасдикланган захиралари 970 миллиардАКШ долларини ташкил этади .Шу билан бирга умумий минерал –хом аҳё потенциали 3,3 триллион АКШ долларидан ортикрок бахоланади .Мамлакат мустакиллигини мустахкамлпшга кумак берувчи мухим стратегик манбалар –нефт ва газ конденсати ,табиий газ буйича 155 та истикболли кон ,киммабахо металлар буйича –40 дан ортик ,рангли,нодир ва радиактив металлар буйича 40 ,кончилик-кимё хом ашёси буйича 15 та кон кидириб топилган»*

Иктисодиётни эркинлаштириш боскичида Узбекистонда минерал хом ашёни казиб олиш ва кайта ишлаш етакчи уринлардан бирини эгаллаб келмокда ва уз навбатида иктисодийётни ривожлантиришга ижобий таъсир этмокда

Минерал хом- ресурслари халк хужалигида ишлатилишига караб: ёкилги-энергетика ресурслари, метал ресурслари (кора, рангли ва асл металлар ) нометал фойдали казилмалар (тог химияси хом –ашёси ) ва курилиш хом ашёларига булинади .

**Ёкилги энергетика ресурслари** . Узбекистон ноёб ёкилги –энегетика ресурсларига эга. Кидириб топилган газ захиралари 2 трилион кубо метрга якин , кумир – 2 милиард, нефтъ 350 млн тоннадан ортик. 160 .дан ортик нефт кони мавжуд. Нефт, газ ва конденсат захиралари республика

эхтиёжларини тула таъминлайди вауни  экспорт килиш имконини беради. Мазкур соха бугунги кунда капитал маблаг сарфлашнинг энг самарали сохаларидан хисобланади.

Мутахасислар тадкикотларига кура Узбекистоннинг ер остида жуда катта нефт ва газ конлари бор.Нефт ва газ мавжуд булган:**Устюрт ,Бухоро-Хива,Жанубий –Гарбий Хисор ,Сурхандарё ,Фаргона** минтакаларини ажратиб курсатиш мумкин  .Кидириб топилган захиралар республика эхтиёжини табиий газ буйича 35 йилдан купрок ,нефт буйича эса 30 йилгафа копла  йди.

**Нефтнинг** 90 % идан ортиги энг арзон фаввора усулида олинмокда . Узбекистоннинг нефтва газ конлари бир канча курсаткичлар ,чунончи , кудукларнинг махсулдорлиги ,казиб олиш таннархи буйича кушни минтакаларнинг конлари сезиларли даражада ажралиб туради..Бу эса уларда самарали ишлашда ва юкори фойда олишга умид боглашга имкон беради.Шу билан бирга ,ана шу нефт захираларини казиб олишга сарфланадиган кушимча харажатлар унча куп булмайди,чунки нефтни казиб олиш ,тайёрлаш  ва ташиш учун инфра структура барпо этиш зарурияти йуколади.

Узбекистондаги нефт захираларининг казиб олинганлик даражаси бор-йуги  32 %ни ташкил этади.Холбуки,бу курсаткич  Туркманистонда 61 %га , Киргизистонда 41  фоизга ,Тожикистонда 60 фоизга тенг. Табиий газ буйича хам ахвол шундай.

-16-

Узбекистоннинг нефть ва газ казиб чикариладиган минтакаларида ривожланган инфрастуруктура мавжудлиги хисобга олганда ,мазкур омиллар уларни янада ривожлантириш ва инвестициялар куйиш учун кулайдир.

Республика газ казиб саноатини хамда табиий газни ва газ конденсатини кайта ишлаш билан боглик ишлаб чикаришларни ривожлантиришга катта имкониятлари мавжуд.Энг йирик газ конлари **Жанубий –Гарбий-Хисор ва Бухоро- Хива** ***нефть ва газ минтакаларида жойлашган ,булар*** **Шуртан**
Ва **Муборак** гурухларига кирувчи конлардир .

Узбекистон катта кумир захираларига эга.Унинг геологик захиралари буйича Марказий Осиёда иккинчи уринда туради .Узбекистонда кумир Ангрен,Шаргун ва Бойсун конларида казиб чикарилади .Уларнинг умумий захираси –2 миллиард тонна .Улар орасида Ангрен кумир кони ноёб кон хисобланади .Бу ерда кумир захиралари илгор хамда иктисодий жихатдан максадга мувофик усуллари билан :150-250 метр чукурликдаги кумир

катламларини очик ус усулда ер ости усулида ва ер остида газга айлантириш усулида казиб олинмокда .Узбекистонда 2000 йилда 2.5 млн тонна кумир казиб олинди .

. **Кора, рангли нодир ва асил металлар** . Узбекистонда Кора металлар сирасига кирувчи темир,марганец ва хром рудаларининг – захиралари аникланган .Мутахассисларнинг хисобига караганда темирнинг 200 дан ортик конлари илмий асосланган .Лекин шуни таъкидлаш керакки ,темирнинг бу захираларига саноат асосида фойдаланишга имконият йук ,лекин Марказий Кизилкум ,Куйи Амударё худудларида олиб борилган тадкикотлар бу борадаги имкониятларнинг хам ижобий хусусиятларига эга эканлигидан дарак бермокда .Кашкадарё вилоятида марганецнинг ,Томди тог,Султон Увайс тогларида хромитнинг истикболли захираларианикланган.Хозир Узбекистонда 40 дан зиёд кимматбахо металл конлари кидириб топилган.Улар ичида олтин катта ахамиятга эга .Олтин захиралари жихатидан Узбекистон Республикаси жахонда 4- уринда ,казиб чикариш буйича эса 7- уринда туради .Республикада олтин казиб чикаришнинг истикболлиги туфайли куплаб кушма корхоналар ташкил этилмокда .

Улардан бири Американинг «Ньюмонт Майнинг , Корпорейшн» компанияси (киймати 200 млн АКШ $)иштирокида тузилган . Бу компания уз фаолиятида янги замонавий технологиялардан фойдаланилаётганлиги ижобий самара бермокда .Олтин Мурунтов, Ажибугут,Булуткон, Балпантов, Аристонтов, Турбой, Ангрен , Чодак, Олмалик ва шунга ухшаш катор конлардан казиб олинади .

Узбекистонда мис ,кургошин ,рух, вольфрам ,калайи ва шунга ухшаш 15 дан ортик бошка рангли металлар (олтин,кумуш,молибден, телур, селен,рений, кобальт,никель,осмий ва бошкалар) казиб олинади.Мазкур рудаларнинг жуда куп турлари иктисодий жихатдан самарали очик усулда казиб олинади. Рангли металлар асосан Олмалик ,Учкулоч ,Хондизза ва бошка шунга ухшаш конлар казиб олинади.

-17-

Узбекистон Ресупубликаси мис захиралари буйича дунёда 10-11 уринда туради.мис рудалари асосан Ангрен-Олмалик тог-кон саноати туманида жамланган.Калмоккир кони мис молибден рудаларини казиб олишда чет элдаги турдош корхоналар устун туради.Саричекув ва Дальнее кони хам истикболли конлардан хисобланади.

**Кургошин –рух** асосан Жиззах вилоятни Учкулоч ,Сурхандарё вилояти нинг Хондизза конларида жамланган.Мазкур конлардан ташкари унча

катта булмаган конлар хам аникланган .бу конлар Тошкент ,Сурхандарё вилоятлари худудларида жойлашган.

Узбекистон минерал хом ашё ресурслар ичида энгт мухими ва стратегик ахамиятга эга булгани –уран хисобланади.Уран захиралари буйича Узбекистон республикаси 7-8 уринда туради.Аникланган уран захиралари ундан 60-70 йил фойдаланимш имкониятининг мавжудлигини курсатади.Республика иктисодиётида волфрамнинг катта ахамияти бор.Муиахасисларнинг хисоб китобларига караганда,Узбекистон волфрам ишлаб чикариш билан боглик булган 10 га якин кон ва 140 дан ортик маъдан намоён булган жойлар аникланган.Уларнинг асосий захиралари Тошкент ва Самарканд вилоятлари худудларида жойлашган.Жиззах вилояти даги волфрам захиралари унча катта эмаслиги билан тавсифланади.

**Молибден, Калай, висмут, симоб ва сурманинг** Жанубий Тяншан ва Урта Тяншан тог тизмаларига кирадиган кора тепа Ланганр,Куйи тош,Ингичка,Яхшон,Саргардон ва бошка конлари бор 20 та молибданли формация ва уларнинг турлари аникланган.Бу турдаги минерал хом ашёларни куйидаги турларга ажратиш мумкин: тог-руда хом ашёси ,тог кимё хом ашёси ,курилиш материаллари ва бошкалар киради.

Республикада 20 мармар ,15 та гранит ва габбро кони бор лиги аникланган .Коплама тошларнинг умумий захиралари 85 млн куб метрдан оритб кетади.Улар республика курилиш саноатни ,тошни кайта ишлаш корхоналари юз йиллар давомида хом-ашё билан таъминлаб туради.

**Гидро минерал бойликлар** Узбекистоннинг гидроминерал бойликларига унинг ер ости сувлари киради.Республика худудида таркалган тог жинсларининг купчилигида сув катламлари бор . мутахасисларнинг маълумотларига кура ресупблика худудида 100 дан зиёд ер ости сув конлари борлиги аникланган.Хозирда 350 дан зиёд булоклар сувидан ахолини сув билан таъминлашда фойдаланилмокда.

**Курилиш** материаллари 370 дан ортик конлари хисобга олинган . Уларнинг 31 таси цемент хом-ашёси ,29 таси коплама тош, 13 таси керамзит хом-ашёси ,39 таси курилиш тошлари ,175 таси гишт хом ашёси ,67 таси кум-гравил материаллари ,22 таси бетон учун кум ва силикат буюмлари ,3 таси шиша хом ашёси ва бошкалардир.

**Тог кимё хом – ашёси** жумласига фосфоритлар ,табиий туз ва сода , агрокимё хом ашёси киради.Сулфат,калий ,ош тузи конлари топилиб,ишга туширилган.Борса келмас,Ок калъа,Тубакат,,Бойбичакон,ва Хужаиконда ош тузининг битмас туганмас захиралари жойлашган.Жерой-Сардара

фосфоритлар конидаги Марокаш турига мансуб зарра донадор фосфоритларнинг аникланган захираси тахминан 100 млн тоннани ташкил этади.Геологларнинг айтишича фосфоритларнинг тахминий захиралари чексиздир.Фосфорит захираларининг катталиги фосфоритли угитларни куплаб ишлаб чикарилишига ва уни экспорт килиш имкониятиларининг кенгайишига катта таъсир курсатади.

Узбекистон Республикасидаги фойдали казилма конлари катор ижобий хусусиятларга эга. Булар куйидагилар:

- Табиий ва минерал – хом ашё захиралари йирик конларда тупланган,уларни казиб олинган жойнинг узидаёк мажмуали кайта ишлаш имконияти мавжуд;
- Аксарият фойдали казилмалар таркибида фойдали компонентлар юкори ва улар катта микдорда йулдош элементларга эга;
- Конларнинг купчилигидан очик усулда ,нисбатан оддий технологиялар асосида фойдаланилади. Мазкур холат жахон бозорида харидоргир махсулот олишни таъминлайди;
- Купгина фойдали казилма конлари ахоли зич яшайдиган яхши узлаштирилган худудларда жойлаштирилган.Улар транспорт йулларига ва худудларига ресурсларни ташиш воситаларига шу жумладан суюк ва газ холатдаги фойдали казилмалар учун кувур транспортига эга;
- Республикада ишлаб чикариш ва ижтимоий инфраструктура ,малакали кадрлар ,тог кон мутахасислари тайёрлайдиган олий ва урта махсус укув юртлари тизими мавжуд ва х.к.лар

Узбекистон республикаси майдоннинг катталиги ва географик урнига кура узига хос табиий шароитга эга .Республика худудининг асосий кисми текисликлар дан ва камрок кисми тогликлардан иборат . Иклими кескин контенентал .Июл ойининг уртача харорати 30-31$^{o}$ С иссик ,январники эса –--2-3 $^{o}$С совук булади.Йиллик ёгин микдори 100-300 мм атрофида Вегетация даври узок давом этади.Бунинг натижасида Узбекистонда «…йилига уч марта хосил олса булади».Лекин иклимнинг кургокчил эканлиги сунъий сугоришни талаб этади.Узбекистон Республикасининг 45 млн гектар еридан 4.3 млн гектари сугориладиган ерлар колган ерлар шартли обикор ерлар ва сугорилмайдиган ерлар мамлакатимиз иктисодиётини ривожлантиришда мухим ахамиятга эга булади.Мазкур ерларнинг катта кисми Фаргона водийсида ,Зарафшон водийсида ва Амударёнинг куйи окимини эгаллаган . Сугориладиган ерларнинг 60%инин автоморф тупроклар ,колгани гидроморф холатидир.Шу сабабли бу ерларнинг аксарият кисми шурланишга дучор булган ерлардир. Шу

сабабли фаол мелиорация тадбирларини олиб бориш талаб этилади.Мутахасисларнинг хисобларига караганда,мелиоратив майдонлар 3%ини ташкил этиш лозим .Бундай менъёр экин майдонларининг экологик вазиятини согломлаштиришга олиб келади..Ерларнинг чекланганлигива унинг сифат таркиби билан боглик хавф ортиб

-19-

бормокда.Сугориладиган ерлардан ташкари сугорилмайдиган чулли худудлар хам мавжуд . Чулларда табиий яйловлар кенг таркалганлиги сабабли у ерларда коракул куйлар бокилади. Мутахасислар фикрича,Узбекистон яйловларида 10 млн бошгача коракул куйларини бокиш мумкин ,агар яйловларни яхшилаш чоралари курилса,бу куйлариниг микдорини 14-15 млн гектарга етказиш мумкин.

Ухзбекистон республикасининг сув ресурслари дарёлар,сел окими , каналлар ,кул ва сув омборлари сувларидан таркиб топади.Асосий сув ресурслари –дарёлардир .Ер усти сув ресурслари 4 млн га ерни сугориш ва ер ости сув ресурслари тахминан 1 млн га ерни сугориш имкони беради.Умуман Узбекистон Республикасининг сув захиралари 5 млн га ерни сугоришга етади.Лекин кейинги пайтда сувларнинг тахчиллиги айниксаяккол сезилмокда.Шу сабабли сув ресурслари тежаб –тергаб фойдаланиш давр талаби булиши лозим,чунки йирик дарёларнинг барчаси марказий Осийнинг Мустакил давлатлари тожикистон ва Киргизистон республикалари худудларида бошланади.Бунинг учун жахон амалиётида тажрибадан утган сугоришнинг илгор ва замонавий усулларидан фойдаланиш максадга мувофикдир.

Дарёларнинг сугоришдан ташкари электр куввати манбаи сифатидаги ахамиятга эга. Дарёларнинг умуий куввати 12 млн кв .соатдан ортик.Агар бу кувватлардан самарали фойдаланилса,йилига 107 млрд кв .соат электр энергиясини олса булади.

Узбекистон республикасининг табиий ресурслари ва табиий шароитини тахлил этиш екуйидаги хулосаларни чикаришга имконият беради:

- Узбекистон республикасини иктисодиётини эжркинлаштириш учун жуда катта табиий ресурс салохиятига эга.
- Табиий ресурс салохиятидан тежаб тергаб фойдаланиш ва бу борада экологик вазиятни согломлаштиришни назарда тутиш лозим.
- Табиий ресурс салохиятидан фойдаланиш Марказий Осиё мамлакатлари уртасида хамкорликни кучайтириш керак булади.
- Орол денгизи минтакадаги умумий экологик вазиятга ва мустакил давлатларнинг иктисодий ривожланишига салбий таъсир этаётганлиги

сабабли уни саклаб колишги жахон хам жамиятини эътибори жалб этилиши керак булади.

- Табиий ресурс салохиятидан фойдаланишда «ахолини ижтимоий химоялаш» тамойилига устиворлик бериш лозим булади.
-

## Асосий таянч тушунчалар

**Табиий ресурслар**-табиат элементлари ижтимоий ишлаб чикаришнинг хозирги ривожланиш даражасида жамият эхтиёжларини кондиришда фойдаланилаётган табиий шароитлар мажмуасини бир кисми ,табиий мухитнинг мухим компонентлари .

-20-

**Биологик ресурслар** –усимлик ва хайвонот дунёси ресурслари.

**Тугамайдиган** – табиий ресурслар хозир ва якин келажакда инсон томонидан узлаштириш натижасида тугамайдиган ресурслар.

**Тугайдиган тикланмайдиган табиий ресурслар** –ноокилона фойдаланиш туфайли захиралари иктисодий максадларда куллаб булмайдиган ва тикланмайдиган ресурслар.

**Тугайдиган тикланадиган табиий ресурслар** – тикланиш хусусиятига эга булган ресурслардир.

**Реал ресурслар**-ишлаб чикариш кучларининг хозирги ривожланиш даражасида фойдаланилаётган табиий ресурслар.

**Потенциал ресурслар**-захиралари аникланган ,жамиятнинг ривожланиш
Даражаси улардан фойдаланиш имкониятини берадиган ёки вактинча бермайдиган ресурслар.

**Иктисодий бахолаш-** иктисодий курсаткичлардаифодаланган ишлаб чикариш ва истеъмол оркали ижтимоий эхтиёжларни кондиришга хизмат киладиган табиий ресурсларнинг фойдалигини аниклаш.

**Ноиктисодий бахолаш** – табиий ресурсларнинг иктисодий курсаткичларда ифодаланган экологик, эстетик,маданий ва бошка кийматини аниклаш.

## Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар.

1.Табиий ресурс нима?
2.Кандай табиий ресурсларни биласиз?
3.Реал ва потенциал ресурслар нима?

4.Табиий ресурсларнинг экологик классификатцияси тугрисида нималарни биласиз?
5.Табиий ресурслар нима учун иктисодий жихатдан бахоланади?
6.Табиий ресурсларни бахолашни кандай турларини биласиз?
7.Ноиктисодий бахолаш нима?
8.Уз вилоятингиз табиий ресурслари ва табиий шароитини бахоланг.

## 3-Маъруза:ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШКАРИШ ВАТАБИИЙ МУХИТНИ КОНУНИЙ ХИМОЯ КИЛИШ.

Режа

1. Табиатдан фойдаланишни бошкариш ва унинг мохияти.
2. Табиатдан фойдаланишни бошкаришнинг хукукий асослари.
3. Табиатдан фойдаланишни бошкаришнинг давлат институционал механизми.

1.**Бошкарув** – тизим баркарорлигини саклаш максадидаги тартибловчи тадбирларнинг мажмуи.

-21-

Табиатдан фойдаланишни бошкариш термини 80-90 йилларда тамомила кириб келди.Рим клубининг ишларида богкарув масаласи асосий масалалардан хисобланади.

**Бошкарув максади-**эклогик хавфсиз баркарор ривожланиш таъминланиш хисобланади. Бошкарув тизимларининг тавсифи улар олдига куйилган максад хамда аник олинган худуд хусусиятлари билан аникланади.Бу уз навбатида табиатдан фойдаланши узига хослигини билдиради ёки уни худудийлаштиришни талаб этади. Табиатдан фойдаланишни бошкариш тизимлари унга таъсир услубларига бошкарув услубларига кам боглик булади.

Бошкарув услубларини танлаш унинг информацион ва меърий хукукий асосларига таянади.

Шундай килиб,табиатдан фойдаланиш тизимини бошкаришни ташкил этиш уз ичига :
-экосиёсатни шакллантириш ;
-экосиёсат максадлари ва вазифаларини омиллаштириш устуворликларни белгилаш;
-табиатдан фойдаланиш стратегияси ишлаб чикиш;
-бошкарув методларини танлаш;

-табиатдан фойдаланиш бошкаришнинг информацион ва меъёрий – хукукий таъминотни яратиш;
-табиатдан фойдаланиш сохасида боҳкарувни таъминлаш учун интитуционал инфратструктура яратиш

Шуни таъкидлаш лозимки,табиатдаш фойдаланиш бошкариш дегенда,экология ё ки табиий жараёнларни бошкариш эмас ,балки,муайян худудларни табиий тизимларига боглик холдаги инсонларнинг фаолияти бошкаришни тушунамиз.

Шу боис социал-экологик-иксодий тизимларни ташкил этишда бошкарув тушунчасини урнига йуналтирилган ривожланиш тушунчасини куллаш максадга мувофик булади.

Йуналтирилган ривожланиш бошкаришни узининг шу жихати билан фарк киладики,у узида турли максадларини бирлаштирувчилар харакати мужасамлаш билан бирга ривожланишига умумий йуналиш берувчи таъкикий ва меъёрий чизимлар билан чекланади .

Экологик сиёсат . Экологик сиёсат –бу атрофимиздаги табиий мухитга нисбатан булган сиёсат . бу терминг охирги 7-10 йил ичида анча таомилга кириб келди. Бундай шариятда сиёсат деганда муйян максадларига эришиш борасидаги давлат-максадлари, вазифалари ва унга эришиш воситалари тушинилади .

Экосиёсати терминнинг пайдо булишиши инсоният томонидан сиёсатдаги учинчи улчови –экологик улчовининг пайдо булишини тан олиш булса , шу билан биргаликда давлатнинг асосий , иктисодий ва экологик максад ва вазифаларни ягона тизим сифатида куринишидир .

Н.Ф.Реймерс (1994) буйича экосиёсат иерархияси турт боскич (даража)

-22-

да ташкил топади .

1. Халкаро – глобал экосиёсат жахон табиий ресурсларни салохияти ва уларнинг глобал жойлашуви , социал -иктисодий ривожланишидаги экологик чекланишларнинг хисобга олган холда халкора –хукукий ,сиёсат ва ташки сиёсат аксияларни утказиш .
2. Минтакавий экосиёсат .Бу сиёсат континент,суб континет ва жахоннинг йирик минтакалари (Европа,Урта Ер денгизи ,Дунай хавзаси)чегаравий курикхоналарни ташкил этиш,турли ифлосланишларни хавфларни сув оркали утишни назорат килиш максадидаги давлатлараро хамкорликни яратиш ва жонли табиий ресурсларни овлашнинг минтакавий меъёрларни урнатишни назарда тутилади.

3. Миллий экосиёсати. Мазкур сиёсат худудларнинг табиий ресурс салохияти ва экологик холатига боглик халкаро шартномалар ва ижтимоий –иктисодий бошкарув ечимлари кабул килиш ва амалга ошришни назарда тутади.
4. Локал (махаллий) экосиёсат .Бу сиёсат хам давлат экологик сиёсаткнинг айнан ухшаши булиб,факат у кичик худудий бирлашмалар ни уз ичига олади.

Экосиёсатнинг максадлари ва вазифалари глобал ва миллий даражада урнатилади.Минтакавий хусусиятларига караб конкретлаштирилади, устуворликка белгиланади. Экологик сиёсат максади ва авзифалари орасида бир мунча бажарилиши лозим булганлари аникланади.

Узбекистон республикасининг экологик сиёсати унинг хозирги пайтда олиб бораётган давлат сиёсати максадларига ва манфаатларига айнан мос келиши лозим.Яъни республикада ижтимоий йуналтирилган бозор муносабатларини ривожлантириш стратегияси Узбекистон республикаси эко сиёсатни шакллантиришда устиворлик касб этиши керак .Экосиёсатни амалга оширишда давлатнинг урни катта .Хорижий тажрибаларда хам айнан шу холат кузатилади.Давлат кенг микёсдаги экологик конунчилик актларига ва уни назорат килишнинг махсус органларига эга булади.

Узбекистон республикасининг экологик сиёсати табиатнинг алохида компоненлари ни мухофаза килишга утишда ва инсон учун муносиб турмуш шароитларини яратишда намоён булади.Бу сиёсатни амалга ошириши Узбекистон респубоикаси халк хужалиги устивор ривожланишини таъминлашда катта ахамиятга эга.

БМТ нинг (1992 йил Рио-Де-Женейро) «XXI кун тартиби» хужжатида «Мухит ва ривожланиш»халкаро конференциясида баркарор ривожланишнинг асосий тамойиллари жахон жамоатчилиги томонидан эътироф этилди.

Узбекистонда « Атроф мухитни мухофаза килиш ва табиий ресурслардан окилона фойдаланиш 2005 йилгача мулжалланган давлат дастури» ва «Табиатни мухофаза килиш ва Узбекистон республикасини баркарор ривожлантиришни экологик таъминотининг миллий режаси» ишлаб

-23

чикилган .

Мазкур хужжатларда республика экологик сиёсати , униинг максадлари , баркорор ривожланишнинг асосий тамойиллари ва йуналишлари аникланган

Баирламчи ва истикбол дастурлари , табиатни муховоза килишнинг йуналишлари ва инсонлар учун муносиб яшаш мухитини яратиш йуллари белгиланган .

Узбекистон Республикасининг табиатдан фойдаланиш сохасидаги стратегик максадлари куйдагилар :

* ахолининг генетик саломатлгини саклаш ;
* экологик хавфсизликни саклаш ;
* « инсон –ишлаб чикариш ва атроф мухит» узаро алокадорлигини таъминловчи экологик , иктисодий ва ижтимоий сиёсатининг уйгунлигига эришиш ;

*атроф мухитни мухофаза килишнинг мустахкам молиявий ресурсларни шакллантириш , шунингдек , табиий ресурс салохиятини тиклаш;

* атроф мухитни мухофаза килиш ва табиий ресурслрдан фойдаланишнинг иктисодий механизмларни такомилаштириш;

* табиатдан фойдаланишлар учун иктсодий рагбат чораларни кулаш имкониятларни яратиш ;

*Узбекистонинг табиий ресурс салохиятидан самарали фойдаланиш ;

* Биоранг – баранглигини саклаш .

Хозирги кундаги экосиёсатининг энг мухим вазифаларидан бири – экологик нокулай худудлар (*Сурхандарё вилоятининг Сариосиё тумани ( Тожикистон алюминий заводи ), Тошкент ва Фаргона вилоятларнинг Тожикистон ва Киргизистон Республикалри билан чегародош худудлари (радиактив чикиндилари ), Орол буйи ( Орол денгизининг куриши )да* **инсон** саломатлиги ва экотизимлар учун кулай вазиятни яратиш хисобланади .

Экосиёсатни амалга оширишда ички ва ташки объектив оммиларга асосланади , хамда аник харакат йуналиши белгиланади . Масалан : табиатни куриклаш конунчилигининг ягона тизимини экологик маъёрларини хужалик фаолиятининг халкаро экологик стандартларига утиши,табиатдан фойдаланиш сохасида бошкаришнинг самарали тузилиши шакллантириш ва х.к.

Белгиланган йуналишлар асосида уларни амалга ошириш механизми ва аник услублар – экологик сиёсат дастаклари аникланади. Экосиёсатнинг 40 та атрофида дастаклари бор. Улар фискал ва нофискал турларга булинади. Нофискал дастакларга:

## А) Табиатдан фойдаланиш хукукий таъминоти ;

Б) Экологик модиллаштириш ;

В) Экологик таълим ва тартиб ва бошкалар киради .

Фискал дастаклар 2 хил булади ;

*давлат дароматлари билан боглик ( табиатдан фойдаланишни лицензалаш , соликлар.

-24-

- давлат харажатлари билан боглик ( табиатдан фойдаланишдаги максадли инвестициялар , экологик йуналишдаги илмий – техник тажриба конструкторлик иҳларини давлат томонидан куллаб – кувватлаши , табиатни куриклаш тадбирларини давлат томонидан молиялашиши , экологик дастурлар ва х.к ) дастаклар .
- Узбекистонда хозирга пайтдаги экологик сиёсатни амалга оширишни мухим механизмлари :

  -Хукукий ;

  -Иктисодий ;

  -Маъмурий ахборот хисобланади.

  - Табиатдан фойдаланишни бошкаришни хукукий механизмлари мухим ахамият касб этади.

II. Конун атроф – мухитни мухофаза этмайди, у аввало инсон манфаатларини мухофаза этади. Узбекистонда табиатдан фойдаланиш ва уни мухофаза килиш масалалари кадимдан шариат конунларига асосланган холда бошкариб келинган. Асосий хужжат сифатида Куръон ва Хадис фойдаланилган.

Собик Совет даврида мухофаза килишнинг асосий объекти – яхлит табиий мажмуалар булган.Уни уша пайтда кабул килинган декретлар ва карорлардан билса хам булади.Бу борадан 8- -йиллар алохида ажралиб туради.Бу йиллардан мамлакатнинг «халокатли масканлардаги» экологик жараённи яхшилаш максадида катор конунлар ваколатлар кабул килинди:Волга ва Урал хавзаси ,Каспий ,Байкал,Ладога ,Оролни мухофаза килиш унга мисол булади.Бу даврда табиатни алохида компонентларини (Ер ва сув конунчилиги табиий бойликлари тугрисидаги конунлар)мухофаза килиш буйича конун ва карорлар кабул килинди.

Мустакилликнинг дастлабки давридан бошлаб Узбекистон республикасида табиатдан фойдаланиш ва уни мухофаза килиш .
Узбекистон республикаси конституцияси(1992 йил 8- декбр),Узбекистон Республикасининг « Табиатни мухофаза килиш тугрисида» ги конунни (9 декабр,1992 йил) ,Узбекистон республикаси Президенти фармонлари ва топшириклари ,табиатни мухофаза килиш борасидаги халкаро шартномалар ва келишувларга биноан амалга оширилади.

Узбекистон республикасининг «Табиатни мухововоза килиш» тугрисида конуни табиатни муховаза килиш ва табиатдан окилона фойдаланишнинг

хуккукий, иктисодий ва ташкилий асосларини белгилайди . Конун инсон ва табиат уртасида гармоник алокалари йулга куйишга, экологик тизимларни , табиий мажмуалари ва табиий объектлари мухофоза килишни таминлашга йуналтирилган . Мазкур конун давлатимизнинг Экологик Конституцияси хисобланади. Табиатни муховаза килиш борасида кабул килинаётган барча хукукий хужжатлар ана шу бош конунга караб ишлаб чикилади .

Конуннинг асосий мазмунини табиий ресурсларга булган мулкчилик ; Давлат хокимияти органларининг табиатдан фойдаланиш ва уни мухофаза килиш борасидаги ваколатлари ; Атроф мухит сифатини меъёрий

-25-

регламентлаш ; табиий ресурслардан фойдаланишни тартиблаш ; экологик экспертиза ва назорат ; табиатдан фойдаланишнинг иктисодий чоралари;табиатдан фойдаланиш тартибларини бузганлик учун жавобгарлик ва бошкалар ташкил этади.

Экологик хукук тизимининг замонавий таркиби узида аник объектлар буйича табиатдан фойдаланишни тартиблашни ,атроф-мухитни саклашни ва экологик хавфсизликни тартиблашни мужассамлайди.

Узбекистон республикасининг экологик конунчилиги икки кисмдан иборатдир.

**Экологик конунчилик**

| Умумий кисм | Хусусий кисм |
|---|---|
| o Табиатни мухофаза килиш тугриси-даги конун ;<br><br>o Экологик эксперитиза тугрисидаги конун ;<br><br>o Алохида мухофазаланувчи табиий худудлар тугрисидаги конун; | o Ер кодекси;<br>o Хаво кодекси;<br>o Сув ва сувдан фойдаланиш ко-<br>декси<br>o «Урмон тугрисида» ги конун;<br>o «Усимлик дунёсини мухофаза килиш ва ундан фойдаланиш тугрисида» ги конун ;<br>o « Хайвонот дунёсини мухофаза килиш ва ундан фойдаланиш тугрисида»ги конун; |

Экологик хукук тизими маънода ,экологик конунчилик конуний актлар тизимини ,шунингдек ижтимоий муносабатларнинг экологик гурухини тартибловчи хар кандай меъёрий хукукий актларни уз ичига олади.

**Давлат микёсида-**бу конунлар фармонлар Вазирлар махкамасининг карорлари ,идоравий кулланмалар ва услубий дастурлар.

**Минтака даражасида** –минтакалар манфаатларини акс эттирувчи конунлар ,ижроия ва вакиллик хокимиятининг карорлари хисобланади.

**Махаллий даражада-** маъмуриятнинг карорлари .

Экологик конунчилик манбалари классификацияси

Манбалар.

1. Узбекистон республикасининг Конституцияси
2. Узбекистон республикасининг конуний актлари
3. Президенит актлари
4. Вазирлар махкамаси актлари
5. Вазирлик ва идоралар актлари ва меъёрий актлар
6. Меъёрий шартномалар : халкаро,федератив ва бошка.

Хозирги пайтда экологик конунчиликнинг бузганлик учун куйидаги жавобгарликлар кузда тутилган .

- Тарбиявий
- Моддий

-26-

- Маъмурий;
- Жиноий

Экологик конунчиликни бузганлик учун фукаролар ва мансабдор шахслар – маъмурий ,моддий, жиноий жавобгарлик , корхона ташкилот,муассасалар –маъмурий ,фукаролар –хукукий жавобгарликка тортиладилар.

Тажрибанинг курсатишича экологик конунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик энг куп кулланилади. У келтирган зарар учун жарима тулашни назарда тутади.Энг ёмони ишлаб чикариш салохиятини тухтатиб куйиш хисобланади.Камчиликлар- сохадаги жарималар микдори ва экологик маданиятнинг пастлиги билан белгиланади.

**III.** Табиатдан фойдаланишни бошкаришга хокимиятнинг барча органлари : вакиллик (конунчилик) ,ижрочилик ва суд органлари дахилдордир.Уларнинг хар бири бу сохада уз вазифасини бажаради ва табиатдан фойдаланишни бошкариш махсус булимлари бор .

Узбекистон республикаси **Олий Мажлис**ининг табиатни мухофаза килишга тааллукли муносабатларни тартибга солишдаги ваколатлари куйидагилар:

- Давлат экологик дастурларини тасдиклаш;
- Табиатни мухофаза килиш сохасида республика конун хужжатларини ишлаб чикиш ва кабул килиш;

- Худудларни фавкулодда экологик холат , экология офати ва экология халокати минтакалри деб эълон килиш , бундай минтакаларнинг хукукий режими ва жафо курганларнинг макомининг белгилаш ;
- Табиатни Табиатни мухофаза килиш сохасида давлат сиёсатининг асосий йуналишларини белгилаш;
- муховаза килишга таълукли конунлар ижросини мувофиклаштириб бориш ;
- Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун хак олишнинг энг куп –кам хажмини , шунингдек туловларни ундириб олишдаги имтиёзларни белгилаш :

Узбекистон республикаси **Вазирлар махкамаси**нинг табиатнинг муховаза килишдаги ваколатлари :

- Табиатни мухофаза килишда доир ягона сиёсатни юргазиш ;
- Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ;
- Табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишни тамирлаш , республика ахамиятига молик табиий ресурсларининг захираларини тасдиклаш ;
- Экологик жихатдан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора- тадбирларларни ишлаб чикиш;
- Табиий офатлар ва йирик аварияларнинг окибатларини тугатиш чора тадбирларини амалга ошириш ;
- Табиий ресурслардан фойдаланганлик , атроф табиий мухитни ифлослантирганлик, чикиндилар, зарали таъсир этувчи нарсалар

-27-

жойлаштириб ташланганлик учун халк тулаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чикиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

- Экология тарбияси ва маорифи тизимини яратиш хамда уни амал килишини таъминлаш,
- Табиатдан алохида тартибда фойдаланиладиган худудларнинг чегараларини, табиатни мухофаза килиш ва хужалик фаолияти режимларини тасдиклаш;
- Табиатни мухофаза килиш ва табиатдан фойдаланиш сохасида давлатлар аро муносабатни ривожлантириш.

**Давлат хокимяти бошкаруви махаллий идораларининг табиатни мухофаза килиш тугрисидаги ваколатлари:**

- Уз худудида табиатни мухофаза килишнинг асосий йуналишини белгилаш, минтаканинг экологик дастурларини тасдиклаш;
- Табиий ресурсларни хисобга олиш ва уларнинг ахволига бахо бериш, экология жихатидан зарарли булган объектларни руйхатга олиш ;
- Табиатни мухофаза килишга оид тадбирларни моддий техника билан жихатидан таъминлаш ;
- Табиий ресурслардан фойдаланиш хукукини берувчи ,саноат чикиндиларини туплаш ва кумиб ташлашга рухсатсатномаларни белгиланган тартибда бериш ва уларни бекор килиш;
- Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун туловлар ундириш ;
- Табиатни мухофаза килиниши устидан назорат урнатиш ,атроф мухитга етказаётган махаллий ахамиятга молик объектлар фаолиятини вактина ва бутунлай тухтатиш ва кайта ихтисослаштириш тугрисида карорлар кабул килиш.

1996 йил 26 апрелда Узбекистон Республикаси Олий мажлисининг №231-1-сонли карорига биноан Узбекистон республикаси Табиатни мухофаза килиш давлат кумитаси тугрисида янги Низом тасдикланди .Низомга кура мазкур кумита Олий мажлисга буйсунади хамда вазирликлар ,давлат кумиталари ,идоралар,корхоналар,муасасалар,ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер,ер ости бойликлари, сув урмон, хайвонот ва усимлик дунёсидан,атмосфера хавосидан фойдаланиш хамда уларни мухофаза килишга доир конунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Табиатни килишда Узбекистон республикаси Согликни саклаш вазирлиги,Ички ишлар вазирлиги,Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги, Урмон хужалиги вазирлиги,Бошгидромет,Узбекистон республикаси Геология давлат кумиталари хам фаоли иштирок этадилар.

1997 йилнинг 1 январ холатига бошкарув таркибларида ишлаётганлрнинг умумий сони 1792 бирликни ташкил этди.

Табиатни мухофаза килиш ва бошкаришда Суд хокимяти органлари хам иштирок этадилар.Узбекистон республикаси Табиатни мухофаза килиш

-28-

давлат кумитаси фаолиятини тахлил этиш натижасида 1996 йил давомида 11621 маъсул шахс ва фукаролар маъмурий жавобгрликка тортилди. Улардан олинган жарималаринг умумий микдори 5,3млн сумни ташкил этди.Корхоналарга хавони ифлослантирганлик учун (20%)

,сув ресурсларини ифлослантиргалик учун (27%) ,чикиндилар чикарганлиги ва уларни жойлаштирганлик учун (5,5%), ер ресурсларини ифлослантирганлик учун (25%), биоресурслар буйича (22,4 %),маъмурий жарималар солинди .

Атроф мухитга етказилган зарар ва табиий ресурслардан ноокилона фойдаланганлик учун умумий микдори 10,3 млн сум булган 1670 жавобгарлик холати аникланади .

**Асосий таянч тушунчалар .**

**Бошкарув**- тизим баркарорлигини саклаш максадидаги тартибловчи тадбирларнинг мажмуи.

**Экологик сиёсат** - атрофимиздаги табиий мухитга нисбатан булган сиёсат .

**Йуналтирилган ривожланиш**-узида турли максадларни бирлаштирувчилар харакатини мужассамлаш билан бирга ривожланишга умумий йуналиш берувчи таъкикий ва меёрий тизимлар билан чекланувчи сиёсат .

**Глобал экосиёсат** –жахон табиий ресурсларининг салохияти ва уларнинг глобал жойлашуви, социал –иктисодий ривожланишдаги экологик чекланишларни хисобга олган холда халкаро –хукукий ,сиёсат ва ташки сиёсат акцияларини утказиш.

**Минтакавий экосиёсат-**континент , субконтинент ва жахоннинг йирик минтакаларида табиатни мухофаза килиш ва табиатдан фойдаланишнинг минтакавий меъёрларини урнатишни назарда тутувчи сиёсат.

**Миллий экосиёсат-** худуларнинг табиий ресурс салохияти ва экологик холатига боглик халкаро шартномалар ва ижтимоий-иктисодий бошкарув ечимларини кабул килиш ва амалга ошириш .

**Локал экосиёсат-**кичик худудий бирлашмалар (иктисодий туман,сиёсий - маъмурий бирлик)олиб бораётган сиёсатни уз ичига олади

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар.**

1. Бошкариш тушунчасининг мохиятини тушунтириб беринг .
2. Табиатдан фойдаланишни болшкаришнинг максади нима .
3. Йуналтирлган ривожланиш тугрисида нималарни биласиз
4. Экосиёсат нима .
5. Экологик сиёсатнинг кадай иерархик даражаларини биласиз.
6. Экологик сиёсатнинг кандай иктисодий дастаклари бор.

7. Нофискал дастаклар нима .
8. Узбекистон республикасининг табитдан фойдаланиш борасидаги стратегик максадлари нималардан иборат.
9. Экологик сиёсатни малга ошириш механизмлари нималар.

4-Маъруза:ТАБИАТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТАДБИРЛАРИГА МАБЛАГ АЖРАТИШ. ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ .

Режа:

1. Табиатдан фойдаланиш ва уни мухофаза килиш фаолиятини молиялаштириш ;
2. Экологик фондлар тизими;
3. Давлат экологик экспертизаси;

I. Хозирги кунда табиатдан фойдаланиш ва уни мухофаза килиш фаолиятини молиялаштириш масалаларига катта эътибор берилмокда.Собик маъмурий буйрукбозлик иктисодётидаги молиялаштиришнинг эса хозиргидан бироз фарк киларди ва унинг асосий хусусияти марказий режалаштириш тизимининг устиворлигида куринарди. Яъни давлат микёсида ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг асосий йуналишлари белгиланиб, ана шу йуналишларда табиатни мухофаза килиш борасида аник вазифалар белгиланарди.Бу вазифаларнинг ечими давлат, тамок ва худудлар микёсида уз аксини топар эди. Ушбу режа-вазифалар асосида молияаий , моддий-техникавий ресурсларга эхтёжлар аникланарди , марказий молияштириш тизими эса фонлар ажратиш (моддий-техник ресурсларни марказдан таксимлаш) тизими билан тулдириларди.

Табиатни саклаш тадбирлари молиявий воситаларнинг асосий манбаи-**давлат бюджети** хисобланарди . Лекин давлат бюджетидан ташкари : *минтакаларнинг бюджети* , *вазирлик ва идораларнинг маблаглари, корхоналарнинг маблаглари* хам мавжуд булган эди.Лекин шуни алохида таъкидлаш жоиз-ки, давлат бюджеттидан ташкари молиявий манбааларни давлат бюжджетидан айри холда куриб булмасди .Шу сабабли хам молиялатиришнинг бу тизими самарасиз булган .Бюджетдан маблаглар етарли даражада

ажратилмасди , чунки экологик вазиятни соглолаштириш вазифаси давлатнинг устьивор вазифалари каторига киритилмасди .Давлат бюджетидан ташкариги маблагларининг эа жуда камлиги кузатиларди .Лекин собик маъмурий -буйрукбозлик иктисодиётининг узига хос ижобий жихати ажратилаётган маблагларнинг мунтзамлиги (изчиллигида )да эди.

Агар маъмурий буйрукбозлик иктисодийти шароитида табиатни мухофаза килиш фаолиятини моддий техник таъминоти (турли фонд ва лимитлар тизими оркали ) устивор ахамиятга эга булган булса , бозор муносабатларига утиш шароитида эса ягона такчил ресурс

-30-

молиявий ресурсар хисобланади .Табиатни мухофаза килиш сохасини самарали фаолият курсатиши унинг баркарор молиявий таъминотига узвий боглик булади.

90-йилларнинг бошларида табиат ресурсларидан фойдаланганлик учун туловлар ва ифлослантирганлик учун туловлар каби иктисодий дастаклардан кенг фойдалана бошланганлиги сабабли табиатни мухофаза килишнинг янги молиявий манбаларини шакллантиришнинг имконини берди.

Узбекистон Республикасининг «Табиатни мухофаза килиш тугрисида»ги конунига мувофик хозирги кунда табиатни мухофаза килиш тадбирлари ва экологик дастурларни молиялаштириш куйидаги манбларга асосан амалга оширилиши таъкидланган:

- Барча даражадаги бюджет ;
- Корхоналар ,муассалар ва ташкилотлар маблаглари ;
- Бюджетдан ташкари ресурслар ва худудлар буйича экологик фондлар.
- Экологик сугурта фондлари;
- Банк кредитлари;
- Хорижий валюталардаги заёмлар ;
- Ахоли маблаглари (шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари );

Куйида баъзи молия манбаларининг шакланиш хусусятлари ва ахамияти хакида фикр юритилади.

Барча даражалардаги бюджетнинг даромад кисмига соликлар ,табиий ресурслардан фойдаланганлик ва атроф мухитни ифлослантирганлик учун ажртмалар ва туловлар киритилади (масалан ер багридан ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун туловла ,ер солиги ).

Узбекистон Республикасини конуний хужжатларига кура юкори даражадаги бюджет органлари куйи даражалардаги бюджет органларига белгиланган ва тартибга солинувчи даромадлардан ташкари дотациялар ,субвенциялар ва субсидиялар келиб тушади.Мазкур тушумлар табиатни мухофаза килиш фаолиятини максадли молиялашни назарда тутади.Масалан, Узбекистон Республикаси конунларига биноан инвестицион экологик дастурларни амалга ошириш учун давлат ва бюджетдан ташкари фондлардан субвенция куринишидаги молиявий ёрдам курсатиш назарда тутилган . Бу субвенцияларни ажратиш шартлари тартиби , улардан фойдаланиш конуний актлар билан тартибга солинади .

Корхоналарнинг шахсий маблаглари хужалик юритувчи субъектларнинг даромади хисобига шакллантирилади .Табиатни мухофаза килиш тадбирлари ва табиатни мухофаза килиш асосий фондлари ишлатишга кетган жорий харажатлар корхона ишлаб чикарган махсулотларнинг таннархига кушилади.

-31-

Бюджетдан ташкари макадли ресурслар буйича фондлар табиатни мухофаза ва табиий ресурсларннг айрим турлари такрор ишлаб чикариш учун маблаг жртишнинг *«колдик тамойилини»*бартараф килиш учун тузилади. Куйидаги: минерал хом ашё базасини такрор ишлаб чикариш, урмонларни мухофаза килиш ва куриклаш, сув объектларни тиклаш ва куриклаш каби бюджетдан ташкари фондлар тузилган.

Бюджетдан ташкари экологик фондлар-атроф мухитни мухофаза килишни инвестициялашни куллаб – кувватлаш тизимининг янги элемети хисобланади.Мазкур фондлар кечиктириб булмайдиган табиатни мухофаза килиш тадбирларини , атроф табиий мухитдаги йукотишларни тиклаш, келтирилган зарарни компенсациялашни молиялаштириш учун тузилади.

Атроф мухитни мухофаза килишнинг ижтимоий фондлари - ахоли даромадлари ,ижтимоий бирлашмаларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялари ва бошка манбалар хисобига ташкил этилади .Мазкур фондлар ижтимоий экологик бирлашмалар ва Узбекистон Республикасининг касаба союзлари томонидан ташкил этилиб, уларнинг маблаглари факат атроф мухитни мухофаза килишга сарфланади .

Табитни мухофаза килиш тадбирларига жалб килинаётган молиявий манбаларининг турли туман булиши улардан окилиона уйгунликда фойдаланишни талаб этади.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига кура табиатни мухофаза килиш тадбирларига ажратилаётган молиявий манбаларнинг кучли диференциялашуви кузатилади.Масалан Америка Кушма Шитатларида минтакаларни молиялаштириш федерал хукуматнинг субциядиялари, умумий давлат даромадларининг бир кисми хисобига шаклланувчи манбалар , махаллий тушумлардан ва махсус соликсиз заёмлардан олинган даромадлар хисобига шаклланади.

Табиатни мухофаза килиш тадбирларига ажратилган ва йигилган маблаглар узининг максадга йуналтирилганлик хусусияти билан тавсифланади.

Барча даражалардаги бюджет табиатни мухофаза килиш ва экологик дастурларни молиялаштиришга алохида эътибор берилади ва моддий техник ресурслар билан таъминланади .У

Узбекистон Республикасида табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий мухит мухофазаси холати тугрисидаги (1996 йил )Миллий доклат маълумотларига кура давлат бюджетидан давлат дастурлари таркибига кирган табиатни мухофаза килиш тадбирлари молиялаштирилади.Давлат бюджети хисобига марказлаштирилган тарзда табитнимухофаза илиш сохасида фаолият курсатувчи Табиат Давлат Кумитаси, ГидроМед , Узерлойиха ,Кишлок сув хужалиги вазирлиги тадбирлари молиялаштирилади .

Бюджетдан ташкари худудий экологик фондлар маблаглари

Узбекистон Республикаси табиатни мухофаза килиш тугрисидаги конуний хужжатларга кура минтакалар томонидан максадли равишда

-32-

фойдаланилади.

Табиатни мухофаза килишни молиялаштиришни умумий салмогида капиталд куйилмаларига алохида эътибор берилади .Капитал куйилмалар-табиатни мухофаза килиш фондларини яратишга йуналтирилган маблаглар хисобланади.Масалан, 1994 йилда ишлаб чикариш курилишига йуналтирилган инвестицияларнинг умумий хажмидан табитни мухофаза килиш ва табиий ресурслардан окилона фойдаланишига кетган капитал куйилмалар 3,9% ни ташкил эди.

Табиатни мухофаза килишга йуналтирилган капитал куйилмалар минтакалар ва тармоклар буйича хам фаркланади .Мазкур

хусусиятлар минтакаларнинг табиий- иклим,ижтимоий- иктисодий ва экологик шарт- шароитларига кура тафовутланади .

Узбекистон Республикасида табиатни мухофаза килиш тадбирларига ажратилаётган молиявий манбааларнинг таркибини (1987-1992 йиллардан) тахлили куйидаги тенденцияларни мавжудлигини исботлади.

- Марказлаштирилган тарзда барча даражалардаги бюджетдан капитал маблагларни ажратиш камайиш тенденциясига эга;
- Юкорилардан куриниб турибдики ,марказлаштирилган тарзда капитал маблагларини ажратишнинг камайиши билан экологик фондлар томонидан инвестициялаш салмоги ортиб бормокда.Келгусида экологик фондлар томонидан молиялаш салмоги ортиб борада.
  - Шу билан биргаликда корхона ва ташкилотларнинг маблаглари хам усиш тенденсиясига эга.

**Юкоридаги таркибни тахлил**

Этиш натижасида иктисодиётни эркинлаштириш боскичида табиатни мухофаза килиш тадбирларини молиялаштиришда корхона ва ташкилотларнинг хамда экологик фондларнинг салмоги ортиб бориши куринади.

II Узбекистон Республикасининг « Табиатни мухофаза килиш тугрисида»ги конунининг

35- моддасида : «*Табиатни мухофаза килиш максадида Узбекистон Республикаси Табиатни Мухофаза килиш Давлат Кумитаси ва унинг жойлардаги органлари кошида табиатни мухофаза килишнинг Республика ва махаллий фондлари ташкил этилади*» дейилган .

Мазкур фондлар Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланган Низом асосида ташкил этилади .Кабул килинган конун хужжатларига кура экологик фондлар уч хил иерархик даражада ташкил этилади .Юкори даражада -Республика экологик фондлари , урта даражада- вилоятлар ва куйи даражада – туман ва шахар экологик фондлари фаолият курсатади .

Экологик фондларнинг вазифалари килиб куйидагилар белгиланган :

- Атроф табиий мухит сифатини яхшилаш ва ахолининг экологик хавсизлигини таъминлашга йуналтирилган дастурлар ва илмий

- техник лойихаларни молиялаштириш ва кредитлаш ;
- Табиатни Мухофаза килиш тадбирлари ва дастурлари учунт молиявмий ресурсларини жалб килиш;
- Табиатдан окилона фойдаланишш ва экологик соф технологияларни жалб этишни иктисодий рагбанлантириш;
- Экологик таълим ва тарбиянинг ривожланишига кумаклашиш.

*Узбекистон Республикасининг «Табиатни мухофаза килиш тугрисидаги конун»ига ва Вазирлар махкамасининг 1993йил 24-майдаги 246-карорига мувофик экологик фондларни шакллантиришнинг куйидаги манбаларини курсатиш мумкин:*

- Корхона,бирлашма ва ташкилотларнинг атроф табиий мухитга чикарган ифлослантирувчи моддалари, чикиндилари ва бошка манбалар учун туловларидан;
- Хавфли моддаларни чикарганлик учун жарима туловлари ва мейоридаортик ва норационал равишда табиий ресурслардан фойдаланиш учун туловлардан;
- Корхоналарнинг хужалик фаолияти натижасида табиатдан фойдаланиш конунчилигининг бузилиши ва шу асосда давлатга келтирилган зарарни коплаш максадида олинадиган туловлардан;
- Овчилик ва баликчилик воситаларини олиб куйиш хамда ноконуний йул билан овланган махсулотларни сотишдан келадиган дароматлар;

Фонд маблагларини бошка юридик шахс фаолиятларида пайчилик асосида иштирок этиши натижасида олинадиган дивидентлардан, жамгарма фоизларидан олинадиган дароматлардан;

-Корхона ,ташкилот ,муассаса ва ахоли томонидан бериладиган ихтиёрий бадаллар (шу жумладан ,хорижий юридик ва жисмоний шахслардан тушадиган тушумлар) дан ташкил топади.

1996-йилда табиатни мухофаза килишнинг махаллий фондларига 84.8 млн сум, 1995-йилдагига нисбатан 1.5 баровар куп маблаг келиб тушди. Бу маблагларнинг асосий кисми(77,7%и)ни табиий мухитни мейоридан ортик ифлослантирганлик учун туловлар ташкил этади . Бу туловларнинг асосий кисми Тошкент,Навоий, Кашкадарё, Фаргона, Наманган ва Бухоро вилоятлариниг фондларига келиб тушган.

Жадвал.4.

Табиатни мухофаза килиш фондлари маблаглари ва уларни ишлатилиши

| **йиллар** | **ТМКМ га тушган маблаглар(минг сум)** | | **ТМКМФ Маблагидан** |
|---|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **Шундан** | |

| | | Тулов | Жарима | Ундирма | сарф-ланади (минг сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| **1994** | **6916.7** | **5874.6** | **887.7** | | **3363.2** |
| **1995** | **55278** | **47697.8** | **1428.6** | **3351.4** | **41028.5** |
| **1996** | **84839.5** | **65670.6** | **2955.4** | **4879.8** | **88718.0** |

**-34-**

Ресуплика табиатни мухофаза килиш фондининг маблагларининг 25 % хам шу махаллий фондларнинг маблаглари хисобига шаклллланади.Республика табиатни мухофаза килиш фонди маблагларнинг бир кисми иккита илмий—тадкикот дастурлари ишлаб чикишга ,табиатни мухофаза килишга ва бошка ташкилий тадбирларга йуналтирилди. Илмий—техник дастурлар буйича 32 та мавзу молиялаштирилди. Албатта бу тадбирларнинг барчасида табиатни мухофаза килиш фондлариниг салмоги ва урни жуда каттадир. Демак , экологик фондларнинг маблаглари кайси максадларда ишлатилишига карамасдан ягона максадни—инсонларни тоза табиий мухитда яшашдек хукукини таминлашни кузда тутади.

Экологик фондлар маблагларини ишлатишнинг
Асосий йуналишлари куйдагилар:

- Корхоналарга кайтарилиш шарти билан имтиезли кредитлар ва ссудалар ажратиш ;
- Табиатни мухофаза килишда йуналтирилган махсулотлар ишлаб чикариш корхоналарининг устав фондларини шакллантириш учун маблаг ажратиш:
- Корхоналарнинг кушимча инвестцион ресурслари жалб килишни рагбатлантирувчи лойихаларни молиялаштиришда пайчилик асосида иштирок этиш:

Табиатни мухофаза килиш лойихаларини амалга оширувчи корхоналарига тижорат банклари томонидан ссуда ва кредитлар беришни кафолатлаш .

Экалогик экспертиза атроф мухитни мухофаза килиш тизимининг асосий таркибий кисмларидан бири хисобланади. Экологик экспертизанинг асосий максади – хужалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган атроф мухитнинг холатига ва ахоли саломатлигига таъсир киладиган хавф ва окибатларни аниклашдир.

Атроф –мухитга булган салбий таъсирни бахолаш тамойили дастлаб 70-йиларда АКШ да ишлаб чикарилган ва хозирги кунда купчилик ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларида кулланиб келмокда . Узбекистонда хам бу тажриба уз урнини топди ва ривожлана бошлади .

Узбекистон республикасида давлат, давлат санитария-экалогия ва жамоатчилик асосида экология экспертизалари амалга оширилади .

«Давлат экология экспертизаси хужалик карори кабул килининшдан олдин уткаказилиши шарт булган атроф табиий мухитни муховаза килиш тадбиридир»

**«** Давлат экологияси экспертизаси**ни** Узбекистон республикасининг **,**Коракалпогистон республикаси Давлат кумиталарининг , вилоят ва Тошкент шахар табиатни муховаза килиш кумиталрининг экесперт органлари амалга оширади.

Давлат экология экспертизасининг максади мулжалланаётган ёки амалга оширилиётган хужалик фаолияти табиатни мухаваза килиш конунларининг

**-35-**

Талабларига канчалик мувоклигини бахолаш лойихаларда назарда тутилаётган табиатни муховаза килиш тадбирларининг кай даражада етарли ва асосли эканлигини аниклашдан иборат .

Давлат экология экспертизасининг объектлари :

*Давлат экология экспертизасига :*

- Давлат дастурлари , концепцияларининг , ишлаб чикариш кучларини , халк хужалиги тармокларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий схемаларининг лойхиалари;
- Курилишнинг барча турлари учун материаллар танлаш , режа олди лойиха олди ва лойиха хужжатлари ;
- Хужалик фаолияти ва уларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш меъёрларини беогилаб белгилаб берувчи йурикнома –усул ва меъёрий-техник хужжатларнинг лойихалари ;
- Янги техника, технология , материаллар ва моддалар яратиш ва хориждан сотиб олиш буйича лойиха хужатллари , махсулотларга стандартлар;
- Узбекистон республикасига келтирилаётган ва ундан олиб чикиб кетилаётган махсулотлар ;
- Химиявий моддалар ;
- Алохида минтакалар , худудлар ва объектларнинг экологик вазияти;
- Атроф- мухитга салбий таъсир курсатаётган корхоналар ва бошка объектлар куйилади.

1996 йилда давлат экологик экспертизаси 63 ходим ишлади ва ута мухим муаммоларни экспертиза килишда республиканинг 300 дан ортик йирик олимлар иштирок этди . натижада экспертиза килинадиган объекларнинг салмоги тадрижий равишда ортиб бормокда.

Жадвал 4.2

Экологик экспертиза килинган объектларнинг сони

| Йиллар | Тадкик этилган объектлар |
|---|---|
| 1993 | 1800 |
| 1994 | 2640 |
| 1995 | 3712 |
| 1996 | 4384 |
| 1997 | 4996 |

Мазкур муаммоларни хал этиш максадида мустакил Эксперт кенгашлари ташкил этилмокда .Охирги 2 йилда ушбу эксперт кенгашларининг 83 мажлиси булиб утди .

Узбекистон республикасида « давлат экология экспертизаси ва унинг сифати бахолаш мезонлари» тасдикланган .Экспердан утказилган объектлар мазкур мезонлар асосида танлаб текшириб турилди .

-36-

Давлат санитария –экология экспертизаси **атроф мухитнинг** ифлосланишнинг ахоли саломатлигига салбий таъсир даражасини аниклаш максадларида ташкил этилади . Давлат санитар –экологик экспертизаси эса узбекистон республикаси Согликни саклаш вазирлиги , унинг жойлардаги органлари , Табатни муховаза килиш давлат кумитаси ташаббусларига биноан ташкил этилди .

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси эса мустакилик мутахассислар томонидан ижтимоий бирлашмалар , лойихаларнинг муаллифлари ва хужалик фаолияти ташаббускорларнинг хохишига амалга оширилда .

Асосий таянч тушунчалар

Молиявий-пул ресурсларини хосил килиш , уларни таксимлаш ва ишлатиш борасидаги иктисодий муносабатлар.

Фондлар-маълумот максадларда фойдаланишга мулжалланган моддий ва молиявий воситалар .

Лимитлар –кредитнинг чекланган суммаси булиб ,у кредит олувчига режалаштирилган давр давоми берилди .

Дотациялар –юкори ташкилотлар томинидан куйи ташкилотларга кайтармаслик шуртли билан бериладиган пул маблаглари .

Субсидиялар – фукороларга , ташкилотларга зарани коплаш максадларида давлат томонидан кайтармаслик шарти билан бериладиган нафака .

Субвециялар –маълум максадлар учун корхоналарга , тармокларга,давлат хокимиятининг махаллий органларига давлат томонидан кайтармаслик шарти билан бериладиган молиявий нафака.

Кредит—ссуда капиталининг харакат шакли булиб ,у махсулот ёки пул куринишида кайтариш шарт билан берилади.

Инвестийия—кушимча даромат ,обру ортириш максадида юридик шахс булган корхонага узок муддатга куйиладиган капитал.

Экологик экспертиза—хужалик карори кабул килинишидан олдин утказилиши шарт булган атроф мухитни мухофаза килиш тадбири.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар.

1.Табиатни мухофаза килиш тадбирларига ажратилган маблагларининг манбаларини санаб беринг.
2.Экологик тавсифдаги тадбирларни молиялаштиришда бюжетнинг роли кандай?
3.Молиялаштиришнинг замонавий тизими тугрисида нималарни биласиз?
4.Экологик экспертиза нима ва у кандай максадларда утказилади?

**-37-**

5-Маъруза: ИЛМИЙ --ТЕХНИКА ЖАРАЁНИ ВАТАБИАТДАН ОКИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ.ТАБИАТДАН ОКИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИКТИСОДИЙ РАГБАТЛАНТИРИШИ.

Режа

1. Табиатдан фойдаланиш ва экологик муаммоларнинг хозирги ахволи.
2. Илмий – техника тараккиёти ютукларини табиатни мухофаза килиш ва ундан окилона фойдаланишга тадбик этилиши.

3. Химиялаштириш ва унинг салбий окибатлари.
4. Табиатдан окилона фойдаланишни иктисодий рагбатлантириш.

**I.** Узбекистон республикасида саноатни ривожлантириш, илмий техника тараккиётини кенг ривожлантириш, курик ерларни узлаштириш ,янги шахарларни барпо этиш,эскиларини ривожлантириш асосида табиатга булган таъсир кучаяди.

Шу билан бирга республика атроф мухит муаммосининг кескин ёмонлашувига сабаб булди ва куйидагиларни унинг сабаблари сифатида курсатиш мумкин:

Табиий мухит га техногратик муносабатнинг кенгайиши ;

Иктисодиётни ривожлантиришнинг экстенсив йули;

Ишлаб чикариш кучларини ривожлантириш ва уларни жойлаштиришда йул куйилган хатоликлар ва х. к. лар.

Нокулай ижтимоий—иктисодий жараёнларнинг ривожланиши хам экологик вазиятнинг тубдан ёмонлашувига олиб келди. Табиатданокилона фойдаланишга салбий таъсир курсатадиган асосий омил-пахта яккахокимлигидир.Тадкикотларнинг дарак беришича ,пахта экиладиган майдонлар мустакилликнинг дастлабки йилларида умукмий экин майдонларининг ¾ кисмини ташкил этарди.Холбуки фанда чигит экишнинг 50% дан ортиши гумуснинг йук булишига, тупрокнинг ориклаб кетишига, унумдорликнинг пасайишига ва пировард натижада ернинг бузилишига олиб келиши тасдикланган. Албатта ,хозир экин майдонларининг бундай салбий таркиби бартараф этилган.

Маълумки дехкончиликнинг кишлок хужалигини ишлаб чикаришини илмий асосда юритишни кузда тутувчи ерни мухофаза килиш усулини жорий этиш тупрок сифатини яхшилаш , уни унумдорлигини тиклашнинг мухим йуларидан биридир . Унда илмий асосланган беда экишни жорий килиш етакчи урин тутади . Бу экинларни жойлаштирилишини такомилаштириш ва айрим экинларнинг яккахокимлигидан кутилиш имкониятини беради .

Республиканинг барча худудларида тупрок захарли дорилар билан ифлосланган , ерда хам, ишлаб чикарилаётган махсулотларда хам нитратлар меъердаги даражадан ортиб кетиши холлари куп учрайди .11983 йил кулланилиши таъкикланган ДДТ микдори республика уртача йул куйиладиган даражасидан 3,6 маротаба ошиб кетди .

«Узкишлокхимия» омборларида фойдаланиши таъкикланган , саклаш муддати утиб кетган захарли моддаларнинг тупланиб колганлиги кузатилади .

4,2 млн гектар сугориладиган ернинг 2,1 млн гектари хавфли даражада , шу жумладан 0,7млн гектари уртача ва кучли даражада нурай бошлаган ,0,3 млн гектари сугорилиш натижасида емирилишга дучор булган . 0,8 млн гектари лалми ернинг 20% якин хавфли даражада нурай бошлаган , 0,43 млн гектар ер хавфли даражада сув туфайли емирила бошлаган , шу жумладан ,0,2 млн гектар ер кучли ва уртача даражада емирилишга чалинган .

22 млн гектар яйловларнинг 6 млн гектари нурай бошлаган , 3 млн гектари сув емирилишига дучор булган. Хар йили уртача 5-6 минг гектари сугориладиган ерлардан ажратилмокда , шуларнинг 1-2 минг гектари сугориладиган ерлардан ажратилмокда.

Чорва молларнинг тартибсиз бокиш, айрим худудларда алмашлаб экиш жараёнларниннг етарли даражада эмаслиги натижасида яйловларнинг таназзулга учраши, чулга айланиши кузатилмокда .

Кишлок хужалиги юзага келган вазият сувдан фойдаланиш уз аксини топмокда . Сувнинг танкислиги республика халк хужалигини ривожлантиришда жиддий тусик булиб турибди . Сув манбааларининг микдори камайиши , сувнинг гектар бошига сарф булишининг купайгани (йулига 12,7 минг куб метр ) ундан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги (0,64), эгатлар буйича сугоришнинг юза усули устунлик килишидадир (99%) эгатлар буйича сугоришнинг замонавий усулларидан кенг фойдаоаниш хаётий заруриятга айланиши лозимдир .Бу борада аник чора –тадбирлар хам амалга оширилмокда .

Захарли дорилар ва угитлардан фойдалниши купайиб бораётганлиг , бунинг окибатида азот ва фосфор микдори купаётганлиги туфайли сув манбааларнинг ифлосланиши жиддий тус олмокда . Мутахассисларнинг хисобларига караганда , Республикада йилига 60млн тонна тупрок жумладан 360 минг тонна гумус ,72минг тонна азот , 60 минг тона фосфор ювилиб кетмокда .

Пахта майдонларида сувдан хужасизларча фойдаланиш Амударё ва Сирдарё сувларнинг Орол денгизига окиб бориши кескин камайтириб юбормокда . Натижада Орол муаммоси келиб чикди . Оролбуйида экологик вазият кескин ёмонлашди .

Республиканинг мустакилликка эришуви ер-сув манбалаарини узлаштириш билан биргаликда минерал хом ашё ва ёкилги –энергетика ресурсларидан фойдаланишни кескин ошириб юборди . Албатта , бу атроф

фойдаланиш ,сувнинг микдори ва сифатини тугирсидаги маълумотларни аниклашдир.Шу максадларда Узбекистон республикасида статистик хисоботлар юритилади.Статистика сув манбааларидан олинаётган сувнинг микдори ,улардан турли маусадларда фойдаланиш ва сув хавзаларида олиб борилаётган турли махсулотлар тугрисида хам маълумотлар берилади.

**Масалан,**мутахасииларининг фикрича,республикамизда сувни тежаш , Орол буйи ва Оролга сувнинг боришини купайтириш ,дехкончилик ишлаб чикаришини такомиллашитириш сув ресурсларини сифатини яхшилаш ва мухофаза килиш борасида аник тадбирлар ишлаб чикилган.

Тадбирларни амалга ошириш килинадиган ишларнинг тури ва хажмини аниклаш ,коллектор дранеж тизимларини куриш ва сугоришнинг мукаммал усулларини жорий килиш имконини беради.Натижада ишлатиладиган сувларнинг микдори камаяди.

Буларининг барчаси сув ресурсларини илмий асосланган равишда истеъмол килишни режалаштириш , истеъмолчилар уртасида окилона таксимлаш ,истикболга мулжалланган сувни мухофаза килиш ва сув хужалиги тадбирларини амалга ошириш учун керак булади.Сув ресурсларидан фойдаланишда сувнинг сифати ва микдорини ,дарё хавзалари иктисодий туманлар буйича тузилган сувдан фойдаланиш ва сув хужалиги балансларини узида акс эттирувчи сув кадастри маълумотлари дан фойдаланилади.



Мамлакат учун ягона булган Давлат сув кадастри жорий килинган.Сув кадастри сув объектлари ,сув ресурслари ва дарёларнинг гидрологик режими тугрисидаги маълумотларни узида мужассам этувчи мажмуадир.

Ахоли ва халк хужалигининг истикболда сувгв булган эхтиёжларини кондириш ,унга боглик тадбирларни амалга ошириш –сув ва сув билан боглик муаммоларни аниклаш ,сувларни мухофаза килиш ва уларни атроф мухитга курсатадиган салбий окибатларини олдини олиш максадида сувдан мажмуали фойдҳаланишшнинг бош,хавзавий ва худудий режаларини ишлаб чикиш мулжалланган.

Сувдан мажмуали фойдаланиш ва уларни мухофаза килишнинг бош режалари мамлакт сув хужалиги ривожланишининг мухим йуналишларини белгилаш учун ишлаб чикилди. Хавзавий режалар эса бош режалар асосида тузиладива дарёлар ва бошка св объектлари хавзалари учун ишлаб чикилади.

Худудий режалар бош ва хавзавий режалар асосида иктисодий туманлар учун ишлаб чикилади.

**IV.** Атмосфера атроф мухитнинг мухим таркибий кисми ресурслардан бири хисобланади.Атмосфера таркибида кирувчи кислород инсон организми учун нафас олишда , ёкилгини ёндиришда катта кийматга эга . Атмосферанинг асосий ишлатувчиси ердаги флора ва фауна хисобланади. Атмосфера баландлика караб бир неча сфералардан иборат булади. Ер юзига тропосфера бевосита туташган булиб,барча фаол жараёнлар атмосферанинг ана шу сферасида фаол кечади. Тропосферада вертикал ва горизонтал жарёнлар кечади,бу унинг турли холатда булишида олиб келади. Тропосферада атмосфера хавосининг 75 % и , сув буги ва турли заррачалар тупланган. Шу сабабли ана шу катламда ёгинларни корни, момокалдирокни булутлар келтириб чикарувчи жараёнлар киради.

**Тропосферанинг** юкори чегарасидан тропопауза бошланади.Унинг баландлиги тахминан 8-18 км атрофида булади. Трпопаузадан тепада стротосфера жойлашади. Бу сфера учун хавонинг сийраклиги , булутларнинг камлиги хароратнинг доимийлиги кузатилади.Ундан кейин стротопауза жойлашган .Ундан кейин мезосфера жойлашаган, унга хос хусусият хароратнинг камайишидир. Мезосферанинг юкори кисми мезо пауза ва харорат –85 $^{o}$-90$^{o}$ га етади. Мезосфера кумуш ранг булутлар жойлашаган сферадир.

**Мезосферадан сунг эса** термосфера жойлашган.Бу жойда хароратнинг камайиши кузатилади.Бу сферада куёш радиациясининг катта кисми ютилиб кетади ва ер юзасига тушадиган метеоритларининг асосий кисми хам шу сферада ёниб кетади. Электр зарядларнинг асосий кисми хам шу сферада пайдо булади. Термосферадан сунг ионосфера ва экзосфера жойлашаган .

**Атмосфера** инсоннинг яшаш мухит хисобланади. Шу сабабли уни соф холда саклашага интилади.Агар статистик маълумотларга мурожаат килинса, Узбекистонда 1996 йилда атмосферада стационар ва харакатдаги объектлардан чикарилаётган зарали моддларнинг микдори 1.8 млн тоннани ташкил этади,бу курсаткич 1991 йилга нисбатан 2млн тоннага оз

-58-

демакдир.Тахминлар табиатни мухофаза килиш тадбирлари натижасида атмосферада чикариладиган зарарли чикиндиларни 32.7минг тонна зарарли объектларни ,цехларни тухтатиб куйиш натижасида чикарилаётган зарали моддалар –3.58 минг тонна ташкил этишини курсатмокда.Бунга авиация ,темир йул,дарё транспорти , индивидуал иситиш печлари ,чикндиларни ёкиш натижасида турли ёнгинлар ва бошкалар бунга кирмайди.

**Атмосферага чикарилаётган** зарарли моддаларнинг 50% итидан ортигини углерод оксиди ,14 %ини олтингугурт ангидриди ва шунга ухшаш зарарли моддалар ,8 %-углеводородлар,5%-каттик моддалар,4%- азот оксиди ташкил этади.

**С**тационар манбаалардан атмосферага 150 дан ортик зарали моддалар чикарилади.Худудий жихатдан бу зарарларнинг 84 %и саноат корхоналарнинг асосий кисми тупланган Тошкент ,Кашкадарё Бухоро,Фаргона ва Навоий вилоятларига тугри келади.

**Атмосферага чикарилаётган зарарли чикиндиларни 1991 – 1996 йиллардаги тадрижий узгариши (млн тонна)**

| | **1991** | **1992** | **1993** | **1994** | **1995** | **1996** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **3.805** | **2.890** | **2.591** | **2.409** | **1.996** | **1.840** |
| **Харакатдаги объектлардан** | **2.591** | **1.782** | **1.570** | **1.450** | **0.904** | **0.983** |
| **Стационар манбалар** | **1.214** | **1.107** | **1.020** | **0.958** | **0.904** | **0.857** |

Стационар манбалардан чикаётган зарарли чикиндиларнинг асосий кисми 37 % и « Узбекнефтгаз» МК корхоналарига ,Узбекистон энергетика вазирлигига –30%и Олмалик тг металлургия комбинатига 12.5 % и « Уз курилиши» концерни корхоналарига 4.6 % и ,Коммунал хужалиги вазирлигига 3% и , « Ухз химпром» ассоцациясига 2.8 %и « Кизил кумолтинаслмет» концернига 2.4 %. тугри келади.

Атмосферанинг ифлослантирувчи асосий мабалардан бири автомобил транспорти хисобланади.Автотронспортнинг атмосферага

чикарилаётган зарарли моддаларнинг салмоги 53 %ни айрим шахарлар да 80 %гача етади.Кейинги пайтда атмосферага транспорт томонидан чикарилаётган зарарли чикиндилар 2.7 марта камайди.Бу табиатни мухофаза килиш тадбирларининг фаол олиб борилаётганлиги ,автопаркларни техник соз холатларда саланаётганлиги ,автомобилларни экологик назоратдан утказиш тизимини мукаммалашганлиги каби тадбирларни амалга ошириши натижасидир.

Атмосфера хавосини ифлосланганлик даражаси ва уни Узбекитон республикаси худудлари буйича узига хослиги бу сохада аник татбирларини ишлаб чикишини талаб этади.

-59-

Ана шунга кура хавони мухофаза килиш борасида аник йуналишлар куйидагича булиши керак:

Хавонинг ифлосланиши йул куйиладиган даражадан ошиб кетган шахар ва ахоли пунктларида меъёрий даражаларга тушириш ;

Тезлик билан республиканинг барча шахарларида ,ахоли пунктларида ва саноат марказларида хаво сифатини санитария меъёрлари даражасида яхшилаш ;Хавони мухофаза килишдаиктисодий дастаклардан фойдаланишни кенгайтириш .

**Асосий таянч тушунчалар**

**Сув ресурслари-**музликлар ,дарёлар ,сув омборлари ,каналлар ,ер ости сувлари ва бошка сувлар.

**Сув лимити-**сувни маълум меъёрда ,чекланган тарзда истеъмолчиларга бериш .

**Атмосфера** –*ернинг хаво кобиги.*

**Тропосфера** –атмосферанинг куйи катлами.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар**

1.Узбекистонда сув ресурслари кандай таксимланган?
2.Сув ресурсларига нималар киради?
3.Сувларни ифлослантирувчи манбаалар тугрисида нималарни биласиз?
4.Сув ресурсларни ифлосланиши окибати нималарга олиб келди?
5.Сув танкислиги сабаблари нимада ва сувдан фойдаланишни яхшилаш учун нималар килиш керак?
6.Атмосферани ифлослантирувчи манбаалар тугрисида нималарни биласиз?

7.Атмосферани мухофаза килиш чора тадбирлари ва уларнинг самарадорлиги кандай аникланади?

## 8-Маъруза .УРМОН РЕСУРСЛАРИНИ МУХОФАЗА КИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ОКИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ .ХАМКОРЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХУДУДИЙ МУАММОЛАРИ.

Режа

1.Урмон ресурслари:таркиби ,ахамияти ,хозирги ахволи .

2.Урмонлардан норационал фойдаланишнинг окибатлари ва уларни тиклаш.

3.МДХ мамлакатларидаги экологик вазият ва уларни ечишнинг асосий тамойиллари .

I.Урмонлар табиатнинг энг бебахо  бойликларидан биридир.
Утабиий мухитни согломлаштириш ,инсоннинг яшаш шароитини яхшилаш ,ер ва сув бойликларини мухофаза килиш ,атмосфера хавосини мухофаза килишда мухим ахамият касб этади .Урмонлар халк хужалигида махаллий эхтиёжларни кондиришда хам мухим рол уйнайди.

Инсоннинг хужалик фаолияти натижасида урмонлар камайиб кетмокда.Мутахассисларниг бахолашларича ,….хозир урмонлар эгаллаб турган майдон курукликнинг 1/6кисминигина ташкил этади,холбуки

-60-

50-йилларда улар 1/4кисмини эгаллаган эди..Урмонларнинг кискатиши республикамизда хам кузатилмокда.

Мамлмкатимиз урмон фондининг умумий майдони 9,145 млн гектарни ташкил этади.Жумладан ,шу майдоннинг 3 млн гектари урмон билан копланган булиб ,унда 12 млн куб метр ёгоч захираси мавжуд.Республикамиз худудининг 5,1%и дарахтзор булиб,у хар бир киши бошига 0,1 гектарни ташкил этади.

Узбекистон республикасининг «Урмон тугрисида»ги конунининг 3-моддасида :Урмонлар асосан экологик (сувни мухофаза килиш ,куриклаш ,санитария гигиена ,согломлаштириш ,рекреацион),эстетик ва бошка вазифаларни бажаради,чекланган даражада фойдаланиш ахамиятига эга.

4-моддада : Урмонлар давлат мулки-Умуммиллий бойлик булиб,улардан окилона фойдаланиш лозим хамда улар давлат томонидан курикланади ,дейилган.

Тарихий манбаларнинг дарак беришича Узбекистоннинг тог олди ва тогли худудлари кадимда калин   урмонлар билан копланган.Узбекистондаги

Урмонларнинг уртача ёши 300 ёшни ташкил этади.,айримлари ундан хам катта .

Табиий шароитнинг турли-туманлиги ва республика ер юзининг нотекислиги урмонларни табиат зоналари буйича узига хос жойлашувига олиб келади.Урмонлар тог ,чул,кайир ва водий урмонларига булинади.

Тог урмонларининг майдони 311 минг гектарни ташкил этади ва республика урмонларининг 11%ини эгаллайди.Бу ерларда энг куп таркалган дарахт турларидан бири- арча.Унинг эгаллаган майдони 204 минг гектарни ёки республика урмонларининг 7%ини ташкил этади.Колган 107 минг гектарини кенг баргли ва бутасимон арчазорлар ташкил этади.

**Чул урмонлари-**2,4 млн гектар майдонни ёки бутун урмонларнинг 87%ини эгаллайди.Бу урмонлар саксовуллардан ташкил топган.

**Кайир урмонлари** 25 минг Гектар ёки бутун урмонларнинг 1%ини эгаллайди ва асосан тукайлардан ташкил топган .

**Водий урмонлари -**республика урмонларининг0.4 %ини ташкил этади.

Жадвал 8.1

Республика урмонларининг таркиби

| Урмон тури | Салмоги(% хисобида) |
|---|---|
| Тог урмонлари | 11 |
| Чул урмонлари | 87 |
| Кайир урмонлари | 1 |
| Водий ва бошка урмонлар | 1 |
| Жами урмонлар | 100 |

Урмонларнинг майдони 20 асрнинг бошидан буён 4-5 мартага кискарди.Айникса,кайир урмонлари дехкончилик тараккиёти натижасида катта талафотларга дучор булди.Уларнинг майдони Амударё дельтасида 1928

-61-

йилдаги 150 минг гектардан 1993 йилда 22-23 минг гектарга тушиб колди. Бу жараён хозир хам давом этмокда.

Узбекистон республикаси урмонлари Урмон хужалиги вазирлиги тасарруфида булиб,вазирликда 90та урмон хужалиги корхонаси бор.Шундан 72таси урмон хужалиги,6таси давлат курикхонаси ,2таси доривор ва озука усимликлари устириш ва кадоклашга мослаштирилган хужалик хисобланади.Бундан ташкари 2та урмон овчилиги хужалиги ,2та

Зомин ва Угам –Чоткол миллий истирохат боглари ва 2таси хужалик хисобидаги урмон участкалари ,1та ихтисослаштирилган урмон хужалиги ,2та бош урмон корхонаси ва 1таси ишлаб чикариш укув масканидир.

II Узбекистон республикаси урмонлари бир неча минг турдаги кимматбахо дарахтлардан иборат. Хозирги кунда улар норационал фойдаланиш окибатида анча камайиб кетган. Кейинги йилларда дарахтларнинг куп турлари ''Кизил китоб'' га киритилган.

Мутахассисларнинг хисобларига караганда, йуколиб кетаётган усимлик турлари 163 турдан 301 турга етди ва у республика флорасининг 8%ини ташкил этади. Бундай вазият муаммога етарли даражада эътибор беришни ва аник чора тадбирлар тизимини ишлаб чикишни талаб этади.

Урмон фондининг хозирги холатини замон талабларига жавоб беради деб булмайди. Урмонлар тартибсиз кесилган ва турли зараркунандаларнинг таъсирига тушиб колган. Урмонларни тиклаш тадбирлари самарасиз.

1986-1990 йилларда 214,6 минг гектар ердаги урмонлар, 1991-1995йилларда эса 171,5минг гектардаги урмонларни тиклаш ишлари олиб борилди. Олиб борилётган ушбу тадбирлар натижасида урта хисоб билан 0,02% худуддаги урмонларнинг холати яхшиланди. 1% урмонларни тиклаш учун камида 50йил керак булади. Бу далиллар урмонларни тиклаш ишларининг етарли даражада самарали эмаслигини курсатмокда.

Катта хавф соладиган тадбирлардан бири-урмондаги янги экинларнинг йуколиб кетаётганлигидир. Охирги 10 йил давомида урмон хужаликлари томонидан янгидан экилган кучатларни 32%и (124065га)нобуд булди ва хисобдан чикарилди. Кучат етиштиришнинг замонавий тадбирларига етарли даражада эътибор берилмайди. Илмий тадкикот ишларининг самараси паст. Урмон хужалиги корхоналари уз фаолиятларини олиб боришда, хеч кандай тиклаш ишларини хисобга олмайдилар . Урмон хужалигидан бошка ташкилотлар уларни тиклаш ва эхтиётлаш ишларига эътибор берилмайди. Урмонлар ёнгин ва турли касалликларга дучор булган. Урмонларни статистик жихатдан хисобга олиш ишлари талаб даражасида эмас.

Республикада ёввойи холда усувчи доривор ва истеъмолга лойик усимликларга талаб юкори. 1992 йилгача уларни йигиш билан давлат ташкилотлари, жамоалар ва алохида фукаролар шугулланишган. Йиллик йигим микдори 850-870 тоннани ташкил этди. Бу йигилган хосил усимликларини кайта тиклаш имкониятларига салбий таъсир этмаслиги, экология талабларига жавоб бериши лозим булади.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки урмон ресурсларидан хозиргача текинга фойдаланилган. Мазкур холат урмон ресурсларидан хужасизларча фойдаланишга ва урмон ресурсларини нес нобуд булишига олиб келган.

Узбекистон республикасининг ''Усимлик дунёсини мухофаза килиш ва ундан фойдаланиш тугрисида''ги конуни бунга чек куйди. Урмон ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий механизмлари ишлаб чикилди.

Масалан Узбекистон республикасининг '' Урмон тугрисида''ги конуннинг 41-моддасида :''Урмонларни мухофаза килиш, улардан окилона фойдаланиш ва уларни такрорий купайтиришни молиялаштириш давлат бюджети маблаглари ва бошка манбаалари хисобидан амалга оширилди.

Урмонларни мухофаза килиш, куриклаш ва улардан окилона фойдаланиш ва уларни тарорий купайтиришни иктисодий рагбатлантириш тартиби Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади'' дейилган.

Давлат урмон ресурсларини тиклаш борасидаги барча ташаббусни уз кулига олган. Урмон сохасидаги муносабатларни тартибга солишда Вазирлар Махкамасининг ваколатлари кучайтирилди. Уларга куйидагилар киради:

Урмонларни мухофаза килиш ва улардан окилона фрйдаланиш буйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Давлат урмон фондини тасарруф этиш;

Урмонларни куриклаш тоифаларини аниклаш тартибини белгилаш;

Урмонлардан фойдаланганлик учун хак тулаш тартиби ва микдорларини белгилаш;

Урмонларни мухофаза килиш, куриклаш ва улардан фойдаланиш ва уларни такрорий купайтириш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Урмонларнинг давлат хисобини ва давлат урмон кадастрини юритиш тартибини белгилаш;

Уз ваколат доирасига кирувчи бошка масалаларни хал этиш ва х. к.лар.

Урмон ресурсларини купайтириш борасидаги Вазирлар Махкамасининг аник тадбирлар ишлаб чикмокда. Улардан бири саноат теракчилигини ривожлантириш муаммоси хисобланади. Маълумки, терак тез усувчи саноат учун ахамияти катта дарахт хисобланади.

Мутахассисларнинг хисобларига караганда республикада хар йили 10 минг гектар ерга терак экилса, 10 йилда уларнинг майдони 100 минг гектарга етади. Россия урмонларида битта дарахт 80-100 йилда вояга етса, Узбекистонда терак 8-12 йилда тайёр булади. Маълумки, 1гектар ердаги тераксор 500 куб метр сифатли ёгоч беришини хисобга олсак,

республикамизда етиштирилаётган терак  саноат ва ахолининг ёгочга булган эхтиёжларини кондиради.

III. МДХ мамлакатларидаги экологик вазият узининг нихоятда узига хослиги билан тавсифланади: МДХ давлатларининг 7-8 млн км худуди инсионнинг хужалик фаолиятига тортилмаган , 2 млн км худуди эса экологик жихатдан нокулай худудлар сирасига киради. Экологик кризис холатида булган худудлар каторига Калмикия, Днепрбуйи, Днестрбуйи, Донбасс, Урал,

-63-

Кузбасс, Волга дарёсининг завзаси , Севан , Иссиккул, Балхаш, Ладога куллари, Каспий, Орол, Балтика,Азов ва Кора денгизлари киради. Бу экологик жихатдан нокулай худудларнинг узига хос хусусиятларидан бири –ахолисининг зичлиги, саноат ишлаб чикариши ва кишлок хужалик минтакаларининг асосий кисми шу жойда жойлашганлигидир.

Мутахассисларнинг хисобларига караганда, МДХнинг умумий ахолиси 50 млн булган 100дан ортик шахарлари хавосидаги зарарли моддалар меъёрдагидан 10 марта ортик. 600 дан ортик шахарларнинг окова сувлари етарли даражада тозаланмайди. Минглаб гектар хосилдор ерлар эрозия, сув боши, тог ишлари, шурлашиш ва чуллашиш жараёнлари натижасида хужаликда фойдаланиб  булмайдиган даражага тушиб колмокда.

**Умуман олганда экологик  вазиятнинг кескинлашуви:**

*Ер усти экотизмларининг  бузилишда;

*Табиий – ресурс салохиятининг  нес- нобуд булишида;

*Инсонни ураб турган мухитнинг бузилишида намоён  булмокда.

Юкоридаги салбий экологик омиллар инсоннинг  фаровонлигига ва унинг соглигига салбий таъсир курсатди, генетик салбий узгаришлар жадаллаша бошалди, инсоннинг уртача умр куриш ёши камая бошлади. Устига устак постсоциалистик маконда  булаётган  узгаришлар хам ушбу салбий таъсирнинг окибатларин кучайтира бошлади.

Ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва сиёсий хаётдаги узгаришлар табиатдан фойдаланиш иктисодиётида хам катта муаммоларни келтириб чикарди. Кейинги йилларда экологик вазиятларга салбий таъсир курсатувчи янги-янги омиллар пайдо була бошлади. Буларга ягона иктисодий  маконнинг бузилиши, минтакалараро можаролар, турли куринишлардаги экстремизмнинг пайдо булишлари мисол була олади.

Бозор муносабатларининг етарли даражада ривожланмаганлиги  атроф мухитнинг холатига ва табиатдан окилона фойдаланиш масалаларига узининг салбий таъсирини курсатади. Бундай вазиятда табиий ресурслардан фойдаланиш  самарадорлигини оширишда, уларни саклашда, ифлосланишини- олдини олишда табиатдан фойдаланиш

фаолиятини тартиблашнинг иктисодий дастаклари тизимини жорий килиш хисобланади.

Бу муаммоларни ечимини топишнинг ва атроф мухитни мухофаза килишнинг режалари ишлаб чикилди.

Мазкур режа куйидаги тамойилларга асосланади:

*Атроф мухитнинг салбий таъсиридан ахоли саломатлигини саклашнинг устиворлиги;

- Сиёсий, иктисодий муаммоларни ечимини топишда атроф мухитни мухофаза килишнинг устиворлиги;
- МДХ давлатларида табиатдан фойдаланиш ва атроф мухит софлигини саклаш борасида узаро маъсулият хиссини шакллантириш, келишилган экологик сиёсатни олиб бориш, табиатни мухофаза килишнинг маъмурий ва иктисодий усулларни уйгунлаштириш;

-64-

- Ахоли саломатлигига хавф солувчи ( атроф мухитнинг, атмосферанинг ифлосланиши, сувларнинг ифлосланиши б пестицидларнинг таъсири, чикиндилар, шовкин ва б.к.лар) омилларни камайтириш;
- Атроф мухит ва табиий ресурсларни мухофаза килишда халкларнинг узига хослги, маданияти ва манфаатларини саклашга, уларни устивор ривожланишида иштирок этишини таъминлашга эътибор бериш талаб этилади;
- Ер экотизимини саклаш, химоя килиш ва тиклаш максадларида халкаро хамкорликни ривожлантириш ва х.к.лар.

Бу дастурни амалга ошириш учун;

Атроф мухит сифати ва табиий ресурсларнинг холати тугрисида маълумотларга эга булиш;

Халк хужалигининг атроф мухитга курсатаётган таъсири йуналишлари тугрисида маълумотларга эга булиш;

Атроф мухитни мухофаза килиш ва табиатдан фойдаланиш жараёнларига тартиблашнинг элементларини жорий этиш ва уларнинг ролини аниклаш ва х.к.лар.

**Асосий таянч тушунчалар**

**Урмон фонди-**урмонлар билан копланган ва урмонлар билан копланмаган, аммо урмон хужалиги эхтиёжлари учун берилган ерлар.

**Табиат зоналари-**табиий компонентларнинг узига хос мажмуаси натижасида хосил булган табиий худудлар.

**Делъта**-дарёнинг куйилиш жойи.

**Кизил китоб-**йуколиб бораётган усимлик ва хайвонлар хисоби юритиладиган китоб.

**Урмон солиги**-урмонлардан фойдаланилганлик учун туланадиган тулов.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириклар**

1. Урмонлар инсон хаётида кандай рол уйнайди?
2. Урмонларнинг кандай турларини биласиз?
3. Урмонлардан ноокилона фойдаланиш кандай салбий окибатларга олиб келди?
4. Узингиз яшаб турган жойнинг урмон ресурслари тугрисида гапириб беринг.
5. Урмонларни тиклаш тадбирлари тугрисида нималарни биласиз?
6. Урмонлардан фойдаланиш учун кандай туловлар жорий этилган?
7. МДХ мамлакатларида кандай экологик вазият вужудга келган?
8. МДХ даги экологик хавфли худудларнинг руйхатини тузинг
9. МДХ да экологик вазиятни яхшилаш буйича кандай тадбирлар амалга оширилмокда?

-65-

## 9-Маъруза: Табиатдан фойдаланишдаги халкаро хамкорлик

РЕЖА.

Табиатдан фойдаланиш борасидаги халкаро хамкорлик шакллари.
Халкаро молия ташкилотларининг атроф мухитни мухофаза килиш борасидаги фаолияти.
Узбекистон Республикаси ва халкаро хамкорлик.

I.Глобал экологик муаммоларнинг замирида инсоният жамияти мавжудлигининг асоси булган ва жахон хамжамияти томонидан ечимини кутаётган глобал жараёнлар ва ходисалар ётадию Бу жойда айрим табиий ресурсларнинг глобал макомига эгалигини хам таъкидлаб утиш керак. Буларга Дунё океани ( худудий сувлардан ташкаридаги акваториялар), атмосфера хавоси, Антрактида, космос киради ва улардан окилона фойдаланишда хамкорлик килиш талаб этилади.

Экологик муаммоларни инсоният томонидан хамкорликда хал этилиши В.И.Вернадский томонида ноосфера концепцияси доирасида, асримизнинг

бошларида таъкидлаб утилган. Глобал ривожланишни моделлаштириш натижалари халкаро хамкорлик доирасида экологик муаммоларни ечимини топишга барча давлатлар, миллатлар ва мамлакатлар жалб этилиши хаётий зарурият эканлигини тасдиклади.

Шуларни назарда тутиб, халкаро хамкорликнинг куйидаги асосий йуналишларини курсатиб утиш мумкин:

*Х ужалик фаолиятига тортилмаган, планетар экологик мувозанатни таъминловчи табиий тизимларни мухофаза килиш;

*Табиий ресурслардан ва табиатнинг ассимилацион салохиятидан окилона фойдаланиш;

*Халкаро экологик жавобгарликнинг самарали тизимини яратиш (шу жумладан, харбий харакатлар натижасида атроф мухитга етказилган зарар учун жавобгарлик).

Бу йуналишларни амалга ошириш турли тадбирларни амалга оширишни талаб этади, буларни ичида куйидагиларни курсатиш мумкин:

Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга курсатадиган молиявий ва техник ёрдамчи;

Ресурсларни саклаш буйича технологияларни ишлаб чикиш;

Ижтимоий эхтиёжларни экологизациялаш, миллий иктисодиёт таркибини кайта куриш;

Экологик тавсифдаги халкаро форумларда ва ташкилотларда вакиллик тизимларига эга булиш;

Атроф мухитни мухофаза килиш сохасидаги халкаро жавобгарликнинг механизмлари ни яратиш;

Экологик соликка тортиш;

Хамкорликда турли стратегиялар ва концепцияларни ишлаб чикиш;

Айрим табиий ресурслардан фойдаланишни окилона меъёрларини

-66-

белгилаш ва б.к.лар.

**Халкаро хамкорлик куйидаги шаклларда олиб борилади:**

**Парламентлараро хамкорлик**–конунчилик фаолиятини мувофиклаштириш ва давлатлараро экологик муаммоларнинг ечимини топиш максадида олиб борилади.

**Ижроия хокимиятлари уртасидаги хамкорлик**- БМТ доирасида экологик дастурларни ишлаб чикиш ва амалга оширишни мувофиклаштиришга йуналтирилган фаолиятдир;

**Конвенцион типдаги хамкорлик** – алохида худудлар ва объектларнинг аник экологик муаммоларни ечишнинг умумий ёндашувларини топишни назарда тутади;

**Илмий –техник хамкорлик**- илмий тавсифдаги информацияларни алмашиш, табиатни мухофаза килиш тадбирларини бирга ишлаб чикиш, жихозларда мажмуали фойдаланиш, илмий лойихалар ва экспертизаларни амалга оширишни назарда тутади.

Бу асосий шакллардан ташкари атроф мухитни мухофаза килиш сохасида халкаро хамкорлик ижтимоий ташкилотлар,ишбилармон доиралар, халкаро экологик форумлар ва бошкалрани олиб бориш билан хам амалга оширилади.

Атроф мухофаза килиш борасидаги халкаро хамкорликнинг яна бир шаклларидан бири-шартномалар тузиш ва бошка халкаро келишувларни амалга оширишдир. Икки томонлама ва куп томонлама келишвулар ва халкаро конвенциялар турли мамлакатларнинг бу сохадаги сайъи харкатларини мувофиклаштириш борасида амалга оширилади. Бундай вазиятда шериклар сифатида табиатни мухофаза килиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш борасидаги манфаатлари уйгун булган кушни давлатлар иштирок этишади. Табиатни мухофаза килиш борасидаги халкаро хамкорлик тарихи хайвонот дунёси ресурсларидан фойдаланиш ва уни мухофаза килишни тартиблаш билан бошланади. 1875йилда Австор-Венгрия ва Италия кушларини мухофаза килиш борасида Декларация кабул килинди. XX асрнинг охирида (1897й) Россия, Япония ва АКШ Тинч океанида денгиз мушукларидан фойдаланиш ва мухофаза килиш борасида келишувни имзоладилар.

Биринчи халкаро конвенция 1882 йилда Парижда кишлок хужалиги учун фойдали булган кушларни мухофаза килиш максадида бир неча Европа мамлакатлари томонидан имхоланди.

Халкаро хамкорликнинг анъанавий сохаларидан бири –балик, кит ва бошка денгиз хайвонларини овлаш сохаларидир. 1882 йилда Шимолий денгизда балилкларни овлашни тартиблаш тугрисида конвенция кабул килинди. Хозир бу сохага тегишли 70дан ортик келишувлар имзоланган.

Жахон жамоатчилигининг эътиборини денгиз сувларини нефть билан ифлосланиши муаммолари доимо кизиктириб келган. Шуни хисобга олиб, 1954 йилда Лондонда 20 мамлкат Конвенция имзоладилар. Келишувга кура, уни имзолаган давлатлар нефть ва нефть аралашмаларини денгизга

-67-

(киргокдан 80-250кмгача булган худудларга) тукмасликка келишиб олдилар. Бу сохада яна куп келишувлар имзоланди. Булар 1972ва 1973

йиллардаги Лондон  Конвенциялари хисобланади. Мазкур хажжатга кура чикиндилар , кандай куринишларга эга булишидан ( шу жумладан радиактив моддалар) катъий назар, Дунё океанига ташламасликка катъий равишда келишиб олинди.

Давлатлараро келишувларнинг ичида атмосферада, космосда , сув остида ядро куролини ишлатмаслик ва синамаслик тугрисида  100 та давлат томонидан Москва Шартномаси(1963 й.) имзоланди. Собик СССРнинг ташаббуси билан  табиий мухитга салбий таъсир курсатувчи  хар кандай харбий харакатлардан воз кечиш тугрисида ги Доимий Конвекция хам имзоланди.

Конвекцион типдаги тартибланишнинг узига хос хусусятларидан бири – атроф мухитга салбий окибатдар курсатувчи  хар кандай фаолият турларин чеклаш ва тартибга солиш борасида келишувларни имзоланишидир.Буларга хавфли юкларни ташиш буйича конвекция авариялар натижасидаги ифлосланишлардан зарар курганларга компенсациялар бериш ,атроф мухит учун хавфли булган фаолият натижасида  етказилган зарар тугрисидаги Конвекция вва бошкалар мисол була олади.

1994 йилда иклимнинг ва биологик турларнинг узгариши тугрисидаги конвекция шартномаси ва халкаро денгиз хукуки тугрисидаги конвекция кучга кирди.

Яна бир мухим хужжат –Монреал протоколи хисобланади.У азон катламини бузилишига олиб келувчи атмосферага чикарилаётган зарарли чикиндиларни –хлорланган ва фторланган углеводларни 2000 йилгача 50%га  камайтириш тугрисидаги келишувлврни уз ичига олади.

Атмосферан мухофазпа килиш ,биологик ранг – барангликни таъминлаш барча давлатларни бирдек кизиктирадиган муаммо хисобланади.1992 йилда биологик ранг-барангликни таъминлаш борасидаги конвекция кабул килинган .Унинг энг катта  ютукларидан бири биологик ресурсларни давлатларнинг суверен мулки сифатида этироф этади.

Кабул килинган келишувлар келишувлар  аник натижаларга олиб келади.Масалан чегара худудларида атмосферанинг ифлосланишини олдини олиш тугрисидаги Конвекция  Европадаги атмосфера хавосининг ифлоланиш даражасининг камайишига олиб келади. Умуман олганда давлатлар томонидан хозиргим кунгача 178 келшувлар  кабул килинган.Уларнинг 2/3 кисми БМТ нинг 1972 йилдаги инсон яшайдиган атроф мухит тугрисидаги утказган конференциядан кейин кабул килинган.

**II.Халкаро молия ташкилотлари .**- Халкаро тикланиш ва тараккиёт банки (ХТТБ) ,Европа тикланиш ва тараккиёт банки (ЕТТБ),ва жахон банки табиатни мухофаза килиш фаолиятини узларининг устивор вазифаларидан деб биладилар .

-68-

**ЕТТБ** халкаро молия ташкилотлари нинг ичида биринчи булиб уз фаолиятининг устивор вазифаларидан деб куйидагиларни белгилайди:
Экологик сиёсатни шаклантиршда ,самарали хукукий ва меъёрий хужжатларни ишлаб чикаришда халкаро меъёрларга амал килишда ва мониторингини таъминлашда кадрлар тайёрлашнинг давлатларга атрофлича ёрдам бериш
Миллий экологик дастурларни бошкаришнинг бозор усулларини куллашда хамкорлик килиш;
Экологшик товарлар ва хизматлар бозори операцияларни ривожланинши ,атроф мухит сифатини яхшилаш ва мухофаза килиш баросидаги лойихаларни инвестицияланишини рагбатлантириш;
Ахолини ,тадбиркорларни банкирларни ва бошкаларни экологик дунё карашни шакллантириш борасидаги дастурлар ва махсус лойихаларни ташкил этиш ва куллаб куватлаш;
Экологик бахолаш ,режалаштириш ,бошкариш,аудитлаш ва банк лойихалрини операция мониторинги билан боглик экологик тадбирларни амалга ошириш
ЕТТБнинг экологик сиёсатни амалга оширишни асосий дастаклари куйидагилар :
Атроф мухитни мухофаза килиш сохасида тадкикотлар олиб бориш;
Экологик дастурлар ва лойихаларни куллашга йуналтирилган техник ёрдам ;
Экологик лойихаларни молиялаштириш ни таъминловчи кредитлар кафолатлар ,сармоялар ва х.к.лар
Банк ходимлари томонидан «Экологик таъкик руйхати» ишлаб чикилган .Унга кура банк ва унинг молиявий шериклари ген инженерияси лойихаларини атроф мухитга генетик мтериални тушишини олдини олиш ,таъкикланган пестицидларни ишлаб чикиш ва ундан фойдаланишни молиялаштириш да воз кечиш лозим булади.

Банкнинг асосий эътибори ресурслардан ва энергиядан самарали фойдаланиш имконини берувчи объектларни сармоялашага картилган

ХТТБ нинг ёрдами билан атроф мухитни согломлаштиришни сармоялашнинг миллий дастури таъсис этилган .Банк табиатни мухофаза килишнинг айрим талабларини бажарган мамлакатлар учун махсус имтиёзлар беради. ,яъни банк уларнинг ташки карзларини бирт кисмини уз зиммасига олади. Анашу максадларга 1990 йил Жахон банки томонидан Экологик фонд ташкил этилган.

**III.** Атроф мухитни мухофаза килиш Узбекистон республикаси ташки сиёсатининг асосий йуналишларидан бири хисоланади.Узбекистон табиатни мухофаза килиш борасидаги ташки сиёсатида:

**-**Орол денгизи хавзасида экологик вазиятни согломлаштиришга ;

**-69-**

**-**Узбекистон республикаси флораси ва фаунасининг генетик фондини саклашга ;

**-**сув ,ер русурслари ва атмосфера хавосини ифлосланишини олдини олишга ;

**-**Экологик хавфсизликни саклаш;

**-**хавфли чикиндиларни ,химиявий моддаларни атрроф мухитга курсатадиган зарли окибатларни камайтириш;

**-**озон катламига салбий таъсир курсатувчи махсулотларни ишлаб чикаришдан олиб ташлаш.

**-**табиий ресурслардан самарали фойдаланига устивор ахамият берилади.

**1995-**1996 йиллар давомида Узбекистон республикасида Орол денгизи муаммоларига багишланган катор семинарлар ,йигилишлар конференциялар утказилади.

**Куйидагилар бунга мисол булади:** Орол буйи давлатларининг баркарор ривожланишига багишланган БМТ нинг халкаро конференцияси (Нукус,сентябр,1995 й) утказилди.унда Нукус Декларацияси кабул килинди.ва орол хавзасининг баркарор ривожланиши борасида халкаро конвенция яратиш баросида карор кабул килинди.

**«Атрроф мухитни тиклаш»** буйича ОБСЕ нинг Халкаро семинари (Тошкент-Урганч,сентябр,1995 ) ташкил этилди ва унда атроф мухитни тиклашнинг аник тадбирлари белигиланди.ва жахон хамжамиятини нинг бу жараёнга иштирок этишининг шакллари аникланди.

**Орол атрофидаги куриётган** ер усти ва сув экос тизимлари нинг бахолаш ва моделлаштириш буйича халкаро семинари ташкил этилди.Унда

ЮНЕСКО ва Германия фан ва технология федерал вазирлиги томониданамалга оширилаётган лойиха натижалари тахлили этилдива уни давом эттиришга келишиб олинди.

Орол денгизи атрофида экологик баркарор ривожланиш буйича ташкил этилган Халкаро семинар ташкил этилди.

Узбекистон республикасининг Табиат давлат кумитаси унинг илмий текшириш олицгохлари томонидан ЭНРИН лойихаси буйича ЮНЕП-АРЕНДАЛ (Норвегия)ташкилоти билан «Узбекистонда Экологик информация тизими) тугрисида лойиха доклад тайёрланди.

Япониянинг халкаро ривожланиш агентлиги хамкорлигида «Узбекистон Оролбуйи худудларида 6 та йирик шахарнинг сув таъминоти тизими» буйича лойиханинг техник иктисодий асосий режаси ишлаб чикилди ва тасдикланди.

Швециянинг молиявий ёрдами билан мутасдди ташкилотларни сув сифатини аниклашда кул келадиган лабаратория жихозлари ва химиявий реактивлар таъминланган.

-70-

Жахон банки хомийлигида табиатни мухофаза килиш ва узбекистонни экологик ривожланишини таъминлаш борасида миллий дастур ишлаб чикилмокда.

Узбекистон :

Иклим узгариши доирасида Конвенцияга (14 май 1993)

Биоранг-баранглик Конвекцияда (7 май 1996 йилдан)

Хавфли юкларни чегара худуларида ташишини назорат килиш борасидаги Базел конвекцияси

Чуллашишга карши кураш буйича Конвекцияга аъзо булган

Бонн конвекцияси доирасида миграциядаги сувда сузувчиларни мухофаза килиш буйича Халкаро келишув имзоланди.

Узбекистон республикси Давлат табиат кумитси конвекцияларда имзоланган мажбурятларни бажариш юзасидан амалий ишлар килинмокда.

Азон катламининг бузулишига олиб келувчи зарарли моддларни инвентаризация килинмокда.Вена конвенцияси, Монреал протоколи

доирасида азон катламини мухофаза килиш буйича миллий дастурни тайёрламокда.

Биоранг-баранлик Конвенцияси доирасида биоранг-барангиликни саклашнинг Миллий дастури ишлаб чикилмокда.

Хозирги пайтда хукумат томнидан Узбекистон Республикасини БМТ нинг Европа иктисодий комиссияси Конвенцияларига кушилиш масалари хал этилмокда:

Чегара худудларида атроф мухитга таъсирини бахолаш тугрисида (Эспо,1994 й)

Чегара худудларида атроф мухитга таъсир этадиган катта масофаларда хавонинг ифлосланиши.(Женева 1979 й).

Саноат халокатларининг чегара худудлари буйлаб таъсири

Чегара худудларида сув ва кулларни мухофаза килиш

Узбекистон республикаси табиатни мухофаза килиш табиатдан фойдаланиш ва икки томонлама хамкорлик тугрисида жуда куп шартномаларни имзоланди .Буларга Туркия республикаси билан , Хитой республикси билан, Нидерландия кироллиги ,Венгрия ,Словакия республикаси ,Исроил,Литва давлатлари билан шартномалар имзоланди.Ташки ишлар вазирлигининг Германия ва Европра иттифоки билан табиатни мухофаза килиш сохасида хамкорлик тугрисида таклифлар кабул килинди.

Узбекистон Республикаси табиат давлат кумитаси Халкаро Экологик кенгаш (ХЭК) нинг аъзоси хисобланади.ХЭК ташкил этилгандан буён 8 та сессия утказилди. Уларда экология сохасида оид келишувлар ва низомлар кабул килинган.

МДХ давлатлари доирасида хам куп икки томонлама келишувлар имзолаган ларгаожикистон Козогистон, Киргизистон, Туркманистон, Грузия билан имзоланган шартномалар мисол була олади.Украина ва

-71-

Беларуссия билан икки томонлама шартонма имзоланди. Узбекистон ,Киргизистон республикалари билан уч томонлама шартнома имзоланди.

2002 йилда БМТ ер Харитасини тасдиклашни мулжалламокда.Бу хартиянинг биринчи мухокамаси Тошкентда Баркарор ривожланиш буйича Узбекистон республикасининг Миллий комиссияси томонидан утказилган .Бу хартия уз олдига хавфсиз ривожланиш ,экотизимлар баркарор ривожланиши таъминлаш атроф мухитга буладиган салбий таъсига йул куймаслик ва х.кларни узолдига максад килиб куяди.

**Асосий таянч тушунчалар**

Халкаро молия ташкилотлари – Халкаро тиклаш ва тараккиёт банки ва Европа тикланиш банки ва жахон банки каби йирик молия ташкилотлари
Парламенлараро хамкорлик – конучилик фаолиятини мувофиклаштириб ва давлатлар экологик муаммоларининг ечимини топиш топиш максадида олиб бориладиган фаолият

**Ижроия хокимиятлари уртасидаги хамкорлик – БМТ доирасида экологик дастурларни ишлаб чикиш ва амалга оширишни мувофиклаштирувчи фаолият**

Конвенцион типдаги хамкорлик – алохида худудлар ва объектларнинг аник экологик муаммоларини ечишнинг умумий ёндашувларини топишни назарда тутувчи фаолият

**Илмий техник хамкорлик - илмий тавсифдаги информацияларни алмашиши ,табиатни мухофаза килиш тадбирларини бирга ишлаб чикиш жихозларда мажмуали фойдаланиш ,илмий лойихаларни ва экспертизаларни амалга ошришни назарга тутувчи фаолият**

Такрорлаш учун савол ва топшириклар

1.Табиатни муховаза килишдаги халкора хамкорликнинг максадларнин айтинг .

2. Халкора хамкорлик шакллари тугрисида нималарни билиасиз Узбекистон халкора хамкорликнинг кайси сохаларида фаолият курсатади .

3.Сиз яшаётган жойдаги табиатни мухофаза килиш борасида халкора хамкорлик келишувлари мавжудми ?

4 . Узбекистонда халкора хамкорлик доирасида кандай келишувлар имзоланган?

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Узбекистон Республикаси Конституцияси-Тошкент «Узбекистон», 1992.
2.Узбекистон Республикасининг «Табиатни мухофаза килиш тугрисидаги»,1992 йил 9 декабрдаги конуни.
3.Узбекистон Республикасининг «Урмон тугрисида» ги 1999 йил 15 апрелдаги конуни.
4. Узбекистон Республикасининг «Ер кодекиси» 1998 йил 30 апрелдги
5.Узбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тугрисида» ги 1994йил 21 сентиябрдаги конуни.
6. Узбекистон Республикасининг « Хаво кодекиси» 1993 йил 7 майдаги конуни .
7. Узбекистон Республикасининг «Алохида мухофаза килинадиган худудлар тугрисидаги 1993 йил 7 майдаги конуни.
8. Узбекистон Республикасининг «Усимлик дунёсини мухофаза килиш ва ундан фойдаланиш тугрисидаги 1997 йил 26 декабрдаги конуни.
9.Узбекистон Республикасининг « Хайвонат дунёсини мухофаза килиш ва ундан фойдаланиш тугрисидаги 1997 йил 26 декабрдаги конуни.
10. «Узбекистон Республикасида Атроф мухитни мухофаза килиш тугрисидаги 1999 – 2005 йилга мулжалган харакат дастури» Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20октиябр 1999 йилдаги 469- сонли карори.
11 Каримов И.А. Узбекистон иктисодий сиёсатининг устувор йуналишлари. – Тошкент « Узбекистон» 1993
12 И.А. Каримов Узбекистон миллий истиклол, иктисодий сиёсат, мафкура.-Тошкент «Узбекистон» 1993
13 Каримов И.А. Узбекистон келажаги буюк давлат.- Тошкент Узбекистон 1993.
14 Каримов И.А. Дехкончилик тараккиёти –фаровонлик манбаи. Тошкент «Узбекистон» 1994
15 Каримов И.А. Узбекистон иктисодий ислохатларини чукурлаштириш йулида – Тошкент «Узбекистон » 1995
16. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусагасида: хафсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари .-Тошкент «Узбекистон» 1997.
17. Баротов П. Узбекистон табиий географияси – Тошкент « Узбекистон» 1996

18. Гуломов П.Н Инсон табиат.- Тошкент : Укитувчи 1990
19. Инсон тараккиёт тугрисида маъруза . Узбекистон 1999 6-боб
20. Турсунов Х.Т. Экология асосолари ва табиатни мухофаза килиш. – Тошкент 1997
21 Тухлиев Н. Узбекистон иктисодиёти . – Тошкент Уктивчи 1994
22. Солиев. А, Махамадалиев Р. Иктисодий география асослари- Т. 1996

Мундарижа

Кириш ______________________________________________ 3
1-мавзу. Курснинг предмети , методлари ва вазиятлари _______ 4
2-мавзу. Такрор ишлаб чикаришда табиий ресурсларнинг урни ва ахамияти . Табиий ресурсларнинг иктисодий бахо бериш _____ 10
3-мавзу. Табиатдан фойдаланиши бошкариш ва табиий мухитни конуний химоя килиш. ___________________________ 21
4-мавзу. Табиатдан унумли фойдаланиш тадбирларига маблаг ажратиш. Давлат экологик экспетизаси.____________________________ 30
5-мавзу. Илмий –техника жараёни ва табиатдан окилона фойдаланиш . Табиатдан окилона фойдаланишни иктисодий рагбатлантириши.__38
6-мавзу. Табиатдан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишнинг самарадорлиги. ________________________________________47
7-мавзу. Сув ресурсларини мухофаза килишни режалаштириш ва улардан окилона фойдаланиш . Атмосфера хавосини мухофаза килиш. ____54
8-мавзу. Урмон русурсларини мухофаза килишни режалаштирш ва улардан окилона фойдаланишх. Хамкорлик мамлакатларида табиатдан фойдаланишнинг худудий муаммолари.______________________60
9-мавзу. Табиатдан фойдаланишдаги халкаро хамкорлик . _______66
Фойдаланилган адабиётлар ______________________73